

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎРИДИК ИНСТИТУТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида

СУЛТОНОВ МУЗАФФАР МИРСАИТОВИЧ

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАР
ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ**

5A38011- суд тизими; прокурор назорати; адвокатура ихтисослиги
бўйича ҳуқуқ магистри илмий даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

Тошкент - 2007

МУНДАРИЖА	
КИРИШ	3
I БОБ.	
Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг тушунчаси, вазифаси ва аҳамияти	12
§ 1. Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг тушунчаси ва ҳуқуқий асослари	12
§ 2. Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари, вазифаси ва аҳамияти	17
§ 3. Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назоратни такомиллаштириш юзасидан ишни ташкил этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғи талаблари	22
§ 4. Вояга етмаганларнинг қаровсизлигига қарши кураш бўйича қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш	30
II БОБ.	36
Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўйича прокурорнинг ваколатлари	
§ 1. Вояга етмаганларнинг тарбияси ва уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда прокурор ваколатлари	36
§ 2. Прокурор назорати таъсир воситалари орқали вояга етмаганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилиниши	40
§ 3. Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилишда прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг айрим масалалари	44
III БОБ.	48
Вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилганида уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиниши	
§ 1. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича жиноят иши қўзғатиш ва тергов қилиш	48
§ 2. Вояга етмаганларга тегишли жиноят ишларини судларда кўрилиши бўйича прокурор ваколатини таъминлаш	58
§ 3. Тарбия муассасаларида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши	63
ХУЛОСА	67
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	71

I-БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТЎ/РИСИДАГИ ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ТУШУНЧАСИ, ВАЗИФАСИ ВА АҲАМИЯТИ

§ 1. Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг тушунчаси ва ҳуқуқий асослари.

Ҳар қандай давлатнинг келажаги ундаги ёш авлоднинг тарбияси, таълим олиши, салоҳияти, соғлиғи билан боғлиқдир. Шу туфайли Ўзбекистонда ҳам ёш баркамол авлодни тарбия қилишга катта эътибор берилмоқда. Ёшларни соғлом, баркамол бўлиб тарбия олишлари, ўсиб-улғайишларига шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан бир қанча қарорлар, Олий Мажлис томонидан қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар албатта Ўзбекистонда ёш баркамол авлодни тарбиялаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлаш, ёрдамга муҳтоҷ ёшларни давлат ҳимоясига олишига ва уларни жамият учун керакли инсонлар қилиб тарбиялашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунларида ёш авлоднинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ҳуқуқий манфаатларини кафолатлаш учун шарт-шароитларни яратиш давлат фаолиятининг устувор йўналиши эканлиги белгиланган.

Мамлакатимиздаги барча давлат ва жамоат ташкилотларининг, жумладан вояга етмаганлар муаммолари билан шуғулланувчи идораларнинг амалдаги тузулмалари ўзгартирилиб, янгидан шакллантирилмоқда.

Вояга етмаганлар деб, Конституция ва бошқа қонунларда кўрсатилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажариш учун белгиланган ёшга тўлмаган шахслар назарда тутилади. Бу тоифадаги жиноят ишларини юритиш қонуннинг алоҳида бобида кўрсатилган, чунки уларга нисбатан ўзга меъёрлар қўлланилади. Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритишда уларнинг ижтимоий-рухий ҳолатларини ҳисобга олиш эътиборга моликдир².

² Жиноят процесси. Махсус кисм. / З.Ф.Иногомжонованинг умумий таҳрири остида. –Т.: ТДЮИ, 2003. – 320 бет.

Вояга етмаганлар томонидан қонун бузилиш ҳолларини келтириб чиқараётган сабабларни аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш, уларнинг манфаатларини ҳимоясини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш масалалари прокуратура идораларининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати вояга етмаганларни ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш, уларни тарбиялаш, таълим бериш учун масъул бўлган органлар томонидан қонун талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишдан иборатdir.

Ушбу соҳада, яъни вояга етмаганлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг предмети бўлиб, вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, корхона, муассаса, ташкилотлар, ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан вояга етмаганлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, вояга етмаганларни тарбияси, уларни ижтимоий ҳимояси билан шуғулланувчи давлат идораларининг, шунингдек, вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш, профилактика билан шуғулланувчи давлат органлари, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи органлар томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг риоя этилиши хисобланади.

Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, прокуратура фаолиятининг ушбу йўналиши Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида алоҳида йўналиш сифатида кўрсатилмаган бўлса ҳам амалиётда қўйидан тортиб, юқоригача, яъни туман, шаҳар ва уларга тенглаштирилган прокуратура органларидан тортиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасигача ушбу масала юзасидан алоҳида прокуратура ходимлари шуғулланишади. Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятини қандай тарзда амалга оширилаётгани, худуддаги мактабгача болалар муассасалари, мактаблар, лицейлар, коллежлар, техникумлар, ўрта-маҳсус таълим ўқув юртларида вояга етмаганларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши, болалар шифохоналари, спорт-соғломлаштириш мактаблари, оромгоҳларида қонунларга риоя қилиниши

устидан назорат, вояга етмаганларга таалуқли бўлган жиноят ишлари юзасидан алоҳида назорат ишларини юритилиши, уларнинг жиноят ишлари бўйича қонун талаблари асосида эҳтиёт чораси қўллаш масаласи, уларни қонунларда белгиланган ҳуқуқлари ва имтиёзларига дастлабки тергов ва суд органлари томонидан қай даражада амал қилинаётганлиги, педагог ва психологлардан фойдаланилаётганлиги, уларга таалуқли жиноят ишлари бўйича барча жиноят ишларида прокурорнинг иштирокини тўлиқ таъминланиши, ҳокимиятлар ва туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари ҳузуридаги васийлик ва хомийлик органлари томонидан ўзларига юклатилган вазифаларни аниқ ва бир хилда, қонунда кўрсатилган муддат ва тартибларда амалга оширилаётганлиги, корхона, муассаса, ташкилотлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан вояга етмаганлар билан меҳнат шартномаси тузилиб, уларнинг меҳнатидан фойдаланилаётганда, уларнинг меҳнат ва бошқа қонунчиликларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилмаётганлигини таъминлаш ушбу соҳадаги прокурор назоратининг вазифаси ҳисобланади.

Прокурор назоратини амалга оширишдаги вазифалар эса Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Прокуратура тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонун ҳужжатларининг вазифаларидан келиб чиқади. Бундан келиб чиқадики ушбу соҳада прокурор назоратининг асосий вазифаси вояга етмаганларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни таълим ва тарбия олишда ўз ҳуқуқларини тўла амалга оширишлари, уларнинг ижтимоий-моддий қўллаб қувватлашга оид қонун ҳужжатларига риоя этишини таъминлаш, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларга қарши кураш, уларни чиқараётган сабаб ва шартшароитларни бартараф этиш, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан, ёшларни қонунга ҳурмат руҳида тарбия топишига эришишдан иборат.

Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга оширишнинг бир йўналиши сифатида вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларга қарши кураш ва бу

соҳада масъул давлат органларининг қонунларга риоя этишлари устидан назоратни амалга оширишдир.

Баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири. Шу сабабли ушбу соҳага оид қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш прокуратура органлари фаолиятининг муҳим йўналиши бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунларида ёш авлоднинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ҳуқуқий манфаатларини кафолатлаш учун шарт-шароитларни яратиш давлат фаолиятининг устивор йўналиши экан прокуратура идоралари ўзларига берилган ваколатлардан тўлиқ фойдаланиб, келажак авлодни ўтмишдаги буюк бобокалонларимизга муносиб тарзда бўлган юксак маънавиятли, билимли, ҳар томонлама интелектуал салоҳиятга эга бўлган аждод тарзида тарбиялаб етказиш учун ҳуқуқнинг барча механизмларини ишга солиши лозим.

Вояга етмаганлар томонидан қонун бузилиш ҳолларини келтириб чиқараётган сабабларини аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш, уларнинг манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш масалалари прокуратура идораларининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Шунинг учун ҳар бир прокурор ўз ваколати доирасида мактабгача муассасалар: болалар боғчалари, гимназиялар, сутка давомида назоратни амалга оширувчи болалар боғчалари, болалар касалхоналари, шифохоналар, болалар санаториялари, болаларни даъволаш учун мўлжалланган бошқа муассасалар, туғриқхоналар, она ва бола марказлари, туққанига қадар назоратни амалга оширувчи тиббий муассасалар ва х.з.ларни шунингдек, мактаб муассасалари, гимназиялар, лицейлар, ўрта-махсус ўқув юртлари, коллежлар, олий ўқув юртларида вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтиришлари, уларни турли хил касалликларга дучор бўлмаслиги чораларини кўрилиши юзасидан тадбирларни доимий назоратга олиб туришлари, наркоманияга берилиб кетмаслиги учун тегишли чора ва тадбирлар ишлаб чиқиши, ҳуқуқий тарғибот ишларини тўғри ва мунтазам равишда амалга ошириб бориш устувор йўналиш ҳисобланиши керак³.

³ Галимов О.Х. Малолетние лица в уголовном судопроизводстве. - СПб: Питер, 2001. -66-бет.

Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими” ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартағи ПФ-3406 сон Фармонига асосан Бош прокуратура тузилмасида шу бўлимда 6 та шахс ишлашлиги кўрсатилган. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар прокуратураларининг намунавий тузилмасида “Прокурорнинг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунларнинг бажарилиши устидан назорат бўйича катта ёрдамчиси (ёрдамчиси)” лавозими белгиланган, Тошкент шаҳар прокуратурасининг тузилмасида эса “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими” мавжуд бўлиб, 4 та шахс штат тузилмага кўра, прокуратура фаолиятининг ушбу йўналиши билан шуғулланиши лозимлиги қайд этилган. Туман, шаҳар прокуратураларида эса вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси билан бевосита прокурорнинг ички меҳнат тақсимотига кўра, зиммасига юқлатилган прокуратура ходими (одатда прокурор ёрдамчиси) шуғулланади. Улар томонидан туман, шаҳардаги ҳомиладор аёлларнинг туғилажак фарзандларини қонуний ҳуқуқларидан тортиб, мактаб ёшигача бўлган ёш болалар ва мактаб ёшидаги вояга етмаганлар ҳамда 18 ёшгача бўлган вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат амалга оширилади. Бунинг учун туман(шаҳар)даги ҳомиладор аёллар ва уларнинг ҳомиласини соғлигини, нормал фарзандни дунёга келишини таъминлашга қаратилган қонун ва қонун ости ҳужжатларида кўрсатилган талаблар тегишли поликлиникалар ва туғриқхоналар, оналар ва болалар уйларида етарли даражада бажарилаяптими, болалар туғилганидан кейин врачлар назорати олиб борилаяптими, болалар поликлиникалари ва шифохоналарида қонун талаблари бажарилаяптими, мактабгача бўлган болалар муассасалари- болалар боғчаси, интернат, болалар уйларида, мактаблар, лицейлар, коллежлар ва бошқа ўкув муассасаларида, болалар оромгоҳлари ва бошқа турли болалар муассасаларида вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси қандай амалга оширилаётганлиги доимий назорат остида туради. Болалар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш, уларнинг қаровсизлигига қарши кураш ишлари прокурорнинг мунтазам назоратида

бўлиши керак. Туман(шахар) прокурори ўз ваколати доирасига кирувчи худудда қанча вояга етмаган шахс борлиги, уларнинг ўқиш ва иш билан бандлиги, ота-онасининг қаровида ёки бошқа шахсларнинг қарамоғида қанча вояга етмаган шахс борлиги ҳақидаги маълумотларни аниқ билиши лозим.

Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг хуқуқий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Прокуратура тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонун хужжатлари, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган вояга етмаганлар хуқук ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрда "Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июн кунги 27-сонли "Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Буйруғи, идоравий қўлланмалар ҳисобланади.

§ 2. Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари

Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари шулардан иборатки, ички меҳнат тақсимотига кўра масъулият юклатилган прокуратура ходими мунтазам равишда ва режали тарзда прокуратуранинг ваколат доирасига кирувчи барча корхона, муассаса, ташкилотларда, мактабгача бўлган муассасаларда, мактабларда, ўрта ва олий ўқув юртларида, маҳаллаларда хуқуқ тарғиботини амалга ошириши лозим.

Прокурор хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ваколатидан кенг фойдаланиб, прокурор назоратини мазкур хуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг мазкур йўналишдаги ишида қонунийликни таъминлаш ва қонунларни қўллашга доир фаолиятини

мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини, ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларни аниқ ижросини кучайтиришга, вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ўз вақтида ишлаб чиқиш, бу масалада жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоатлари билан ҳамкорликни яхшилашга қаратишлари керак.

Прокурорлар вояга етмаганлар томонидан қонун бузилиш ҳолларини келтириб чиқараётган сабабларни аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш, уларнинг манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш масалаларига юзаки ёндошиб, назоратни сусайтириб юбормасликлари лозим.

Ушбу соҳада прокурорлик назоратининг ўзига ҳос хусусиятларига прокурор томонидан ўз ваколати доирасида (масалан туман, шаҳар прокурори ўзи прокурорлик қилаётган туман ва шаҳар худудида) унинг туманида жами бўлиб, қанча вояга етмаган шахслар борлиги, авваламбор туғилиш ва болалар ўлимининг аҳволи қандай эканлиги, бир йилда қанча бола туғилиб, қанчаси тўлиқ соғлом эканлиги, болаларнинг касалланиши динамикаси ва уларнинг олдини олиш юзасидан прокурор назоратини ташкил этиш ҳамда тегишли прокурор таъсир чораларини қўлланишини таъминлаш, мактабгача нечта муассаса борлиги, уларда қанча тарбияланувчи борлиги, мактабгача муассасадан тўлиқ болалар мактабга чиқиши, уларни мактабдан кейин лицей ва коллежларга жойлашиши, ўрта ва олий ўқув юртларига жойлашиши, ўқиш ва ўқишдан ташқари уларнинг спорт ва бошқа маънавий-маърифий ишлар билан бандлиги масалалари, шу муассасалардаги коммунал хизмат, электр, сув, иссиқлик, озиқ-овқат билан таъминлаш, шу муассасаларга болаларни етказиш ва уларни уйларига бемалол боришлари учун йўл-транспорт масалалари, катта йўллар ёнида жойлашган мактаблар ва бошқа вояга етмаганлар муассасалари ёнида авто-йўл ходисаси рўй бермаслиги учун тегишли чора ва тадбирларни белгилаш ҳақида прокурорда тегишли барча маълумотлар бўлиши лозим. Ушбу маълумотлардан эса, прокурор албатта оқилона фойдаланиши олдига қўйилган вазифани самарали амалга ошириши керак.

Вояга етмаганларни хуқуқий манфаатлариға алоқадор ташкилот ва идоралар, ҳокимликлар хузуридаги комиссия ва ички ишлар идоралари таркибидаги нозирликлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳозирги кун талаблари даражасида мувофиқлаштирилиб борилишини ўз эътиборидан четда қолдирмаслиги керак.

Ёш авлоднинг соғлиғи, билим олиши, меҳнат қилиши ва яшаш жойларидаги тарбиявий ишлар устидан етарли назорат олиб борилиши лозим⁴. Ижтимоий ёрдамга муҳтож болаларни хуқуқий ҳимоялаш масалалари эътибордан четда қолмаслиги керак.

Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан, жумладан, ўсмирларни ҳарбий ва муқобил хизматга тайёрлаш борасидаги прокурорлик назорати эса талабга тўлиқ жавоб беришини таъминлаш лозим.

Вояга етмаганлар орасида оғир, ўта оғир ва айниқса гиёхвандлик ҳамда ичкилиқбозлик билан боғлиқ жиноятлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган кескин чоралар кўрилишида жойлардаги прокурорлар ўз назоратидаги ички ишлар органлари томонидан масъулиятсизликка йўл қўйилмаслигини чорасини кўришлари шарт.

Ҳокимликлар таркибидаги вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар ва ички ишлар бўлимлари нозирликлари фаолиятида қонунчиликка риоя қилиниши устидан доимий назоратни амалга ошириш, улар фаолиятига кўмаклашиш, қонуний йўл -йўриқлар бериш, биргаликда тадбирлар ташкил этиш, болалар ва ўсмирларга нисбатан маъмурий ва бошқа таъсир чоралари кўриш ҳамда профилактик рўйхатга олиш хақидаги қарорларнинг асослилиги, вояга етмаганларни ички ишлар идоралариға олиб келиш ва ҳисобга олинишининг қонунийлигини буйруқ буйича ҳар чоракда камида бир марта текшириб турилиши керак.

Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунларни бажарилишини амалий таъминлашда мансабдор шахсларнинг масъулияти оширилиши юзасидан

⁴ Галимов О.Х. Малолетние лица в уголовном судопроизводстве. - СПб: Питер, 2001. -48-бет.

прокурорлик чоралари кўриб борилиши, қонунбузарликка йўл қўйган тақдирда уларнинг жавобгарлик масаласи қатъий ҳал этилиши керак.

Халқ таълими, ўсмирларнинг меҳнати тўғрисидаги қонунларнинг ижроси, уларни ўқиш, иш ва яшаш жойларида тарбиявий ишларнинг ахволи мунтазам равиша текшириб борилиши керак. Айнан шу вазифаларни лозим даражада бажарилмаганлиги туфайли, прокурорларда айни масалада керакли маълумотларни етарли бўлмаганлиги сабабли, республикамизнинг баъзи худудларида жойлашган ўкув юртларида, ўқишдан ташқари маҳаллаларда вояга етмаганларнинг тарбияси сусайтирилганлиги сабабли баъзи ёшларнинг нотўғри йўлларга кириб қолиш, жиноятчилик йўлига кириб қолиши, текинхўрлик билан кун кечириш хиссиётларини уларда пайдо бўлишига олиб келади.

Прокурорларнинг ушбу масалага юзаки ёндошишлари, назоратни сусайтириб юборганликлари, вояга етмаганлар хуқуқий манфаатларига алоқадор ташкилот ва идоралар, ҳокимликлар ҳузуридаги комиссия ва ички ишлар идоралари таркибидағи нозирликлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштирилмаганлиги ҳамда талаб даражасида таъминланмаганлиги вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижросида ўзининг салбий аксини кўрсатди⁵.

Прокурорлар томонидан ўқишдан ва фойдали меҳнатдан бош тортган болаларни аниқлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фойдали машғулотлар билан бандлиги масалаларида шугулланадиган идоралар фаолияти устидан назоратни олиб боришга алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Вояга етмаганларни ўқишдан асоссиз четлатиш ҳоллари бартараф этилиши керак.

Ҳозирги вақтда бозор иқтисодиёти даврида ота-оналарнинг ҳам фарзандларини ўқишлирига жиддий карашлари, прокурорлар томонидан ота-оналарнинг фарзандларини ўқишга юбормасдан, бозорга чиқариб юбориш ҳолларига чек қўйишлари, болалар мактабда тарбия ва билим олиш ўрнига бозорда ота-онасининг савдо ишларига ёрдам бериб юришларини олдини олиш чораларини кўрилиши керак. Албатта, мактабдан сўнг меҳнат билан шуғулланиш, ота-онага ёрдам бериш тарбиявий жиҳатдан яхши нарса, лекин, умумий ўрта таълим

⁵ Давлетов А.Дж. Прокурорский надзор. Нукус, Билим, 1999. – 284-бет.

талабларини бузиб, мактабга умуман бормасдан савдо билан шуғулланиши ёки бошқа меҳнат билан шуғулланишига йўл қўймаслик чорасини қўриши лозим. Бунинг учун мактабларда ўқувчиларнинг давоматини текшириш учун мутахассисларни жалб қилиниши керак.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳукуқбузарликларни олдини олиш, тегишли чора тадбирлар белгилаш ҳам прокурорнинг доимий назоратидадир. Вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилганида, уларга нисбатан юритиладиган жиноят ишларини фақатгина қонун талблари асосида амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг қонунлар билан белгиланган ҳукуқларини ҳимоя қилишда нафақат ота-онасининг, балки уларнинг васий ва хомийлари, ҳимоячилари орқали ҳам таъминланишини, жиноят ишларидан ташқари фуқаролик ҳукуқ ва эркинликларини, уларнинг мулкка бўлган ҳукуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, суд муҳокамаси чоғида ҳам уларга нисбатан тайинланадиган жазонинг қонунийлигини таъминлашда судларга кўмаклашиш, судларда ва дастлабки тергов чоғида нафақат жиноят содир этган вояга етмаганларнинг ҳукуқлари балки, вояга етмаган жабрланувчилар ва гувоҳларнинг ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчиси сифатида иштирок этган чоғларида ҳам уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш прокурор фаолиятининг ушбу соҳадаги ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунларидан келиб чиқадиган вазифалар ушбу соҳада прокурор назоратининг асосий вазифасилари ҳисобланади.

Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш прокуратура фаолиятининг асосий йўналиши сифатида “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда белгиланмаганлиги билан, амалда ушбу фаолият прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шунинг учун фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида, 10- асосий йўналиш тарзида киритилса, ва 4-модданинг 5-абзацидан “ Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;” деб ўзgartирилса мақсадга мувофиқ бўлган бўлар эди.

§ 1. Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назоратни такомиллаштириш юзасидан ишни ташкил этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғи талаблари

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бу фаолиятни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими” ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартағи ПФ-3406 сон Фармонига асосан Бош прокуратура тузилмасида шу бўлимда 6 та шахс ишлашлиги кўрсатилган. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар прокуратураларининг намунавий тузилмасида “Прокурорнинг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунларнинг бажарилиши устидан назорат бўйича катта ёрдамчиси (ёрдамчиси)” лавозими белгиланган, Тошкент шаҳар прокуратурасининг тузилмасида эса “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими” мавжуд бўлиб, 4 та шахс штат тузилмага қўра, прокуратура фаолиятининг ушбу йўналиши билан шуғулланиши лозимлиги қайд этилган. Туман, шаҳар прокуратураларида эса вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси билан бевосита прокурорнинг ички меҳнат тақсимотига қўра, зиммасига юқлатилган прокуратура ходими (одатда прокурор ёрдамчиси) шуғулланади. Прокурорда ишни ташкил этиш юзасидан ҳар йилнинг охирида янги йил учун иш режаси бўлади. Иш режасини тузатётганда прокуратура фаолиятининг ушбу йўналиши бўйича ҳам амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинади. Масалан, январь ойида туман худудида жойлашган мактабгача таълим муассасаларнинг маълум бир қонун ижроси юзасидан текшириш, ушбу тумандаги айнан қайси мактабгача муассасани текшириш лозимлиги режалаштириб олинади. Режада айнан қайси қонун ижроси текширилиши ва текшириш ким томонидан бажарилиши, текшириш учун масъул шахс ва унинг олдига қўйиладиган вазифа аниқ белгилаб олинади. Худди шундай февраль ойи, март ойи ва х.к.з. йил охиригача шундай тадбирлар белгилаб олинади. Ҳар ойнинг охирида прокурор томонидан бирлик ва марказлашганлик принциплари асосида юқори турувчи прокуратура органига ой давомида режа бўйича амалга оширган ишлари ҳақида хисобот берилади. Шу ойда режа бўйича

текширилиши лозим бўлган муассаса текширилганлиги, унда аниқланган қонунбузилиш холлари нималардан иборат эканлиги, уни бартараф этиш ва келгусида шундай камчиликлар, қонунбузилишларига йўл қўйилмаслиги учун қандай чора ва тадбирлар белгиланганлиги кўрсатиб қўйилади. Шунингдек, текшириш натижасига кўра, қандай прокурор таъсир чоралари қўлланганлиги, қанча интизомий, маъмурӣ ёки жиноий иш қўзғатилганлиги, вояга етмаганларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида хисоботда кўрсатилади. Шунингдек, нечта вояга етмаган шахс жиноят содир этганликлари, уларга тегишли жиноят ишларининг аҳволи, судда вояга етмаган шахсларга тегишли бўлган ишларни кўрилиши аҳволи ҳақида тўлиқ хисобот топширилади. Шунингдек, вояга етмаганларга тегишли бўлган қанча жиноят ишлари яна назоратда қолганлиги, уларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чоралари, айнан ким томонидан дастлабки терговни амалга оширилаётганлиги, дастлабки терговни аҳволи, суд муҳокамасида кўриш учун юборилган, лекин ҳали кўрилмаган ишлар қайсилар эканлиги ва уларнинг аҳволи ҳақида ҳам тўлиқ маълумот ҳар ойда бериб борилади. Туман, шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ички Ишлар Бўлимида суриштирув ва терговни назорат қилувчи прокурор ўринбосари, ёрдамчисидан ташқари параллел равища ҳар бир жиноят иши юзасидан ўзи алоҳида “назорат иши” юритади. Олиб борилаётган дастлабки терговнинг қонунга мувофиқлигини мунтазам равища текшириб туради. Шунингдек, туман, шаҳар прокурорининг судларда жиноят ёки фуқаролик ишларини кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш вазифаси юклатилган прокурор ёрдамчиси ҳам параллел равища судда кўрилган ишлар юзасидан “назорат иши” юритади ва хисботини олиб боради. Туман ва шаҳарларда битта прокурор ёрдамчиси бўлган жойларда бу ишларнинг ҳаммасини ички буйруққа асосан шу прокурор ёрдамчисининг бир ўзи прокурорнинг раҳбарлиги асосида амалга ошириши мумкин. Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижросини таъминлаш ички буйруққа асосан кимга юклатилиши қайтъий назар туман, шаҳар прокурори ушбу йўналиш бўйича ҳам асосий масъул шахс ҳисобланади. Ҳар қандай ҳолатда улар ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ушбу йўналишни тартибга солиш

юзасидан чиқарған бүйруги талабларидан четга чиқмаган ҳолда амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июн кунги 27-сонли “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятин янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Бүйруги қабул қилинганд бўлиб, ушбу бүйруқда вояга етмаганларни хуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурорлик назоратини аҳамияти, вояга етмаганларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, улар ўртасида хукуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилиш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бирига айланганлиги қайд этилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси Транспорт, шаҳар, туман прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг олдига бажаришлари лозим бўлган вазифаларни белгилаб берди:

Бүйруқнинг 1 бандида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорати бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Транспорт, шаҳар, туман прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг бу соҳадаги асосий вазифаси вояга етмаганларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, улар ўртасида хукуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат эканлиги таъкидланган;

Бүйруқнинг 2 банди талабига кўра, қонунлар ижроси устидан назоратни ташкил этишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Болалар хуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси, халқаро хуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ҳамда миллий қонунчиликда давлат ва жамият ҳаётининг барча жабхаларида болалар манфаатлари ва фаровонлигининг устуворлиги мустахкамлаб кўйилганлиги назарда тутилиши, ушбу қонун хужжатларининг болаликни муҳофаза қилиш, ўсмирларни ҳимоя қилиш, вояга етмаганлар хуқуқлари ва уларни рўёбга чиқариш кафолатлари ҳақидаги талаблари барча корхоналар, ташкилотлар

ва муассасалар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан оғишимай бажарилиши таъминлансан деб белгиланган⁶;

Вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимоясига доир қонунлар ижроси юзасидан ижтимоий кўмакка муҳтож, кам таъминланган ва кўп фарзандли оиласаларнинг болаларига ўз вақтида ердам берилишига алоҳида эътибор берган ҳолда доимий назорат амалга оширилиши кераклиги буйруқнинг 3 бандида ўз аксини топган;

Болаларнинг соғлиғи ва маънавий камол топишига зарар етказилган зўравонлик, гиёхвандлик, бехаё турмуш тарзини тарғиб қиласиган маълумотларни тарқатишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилсин деган талаблар эса, буйруқнинг 3.1. бандида ўз аксини топган.

Буйруқнинг 3.2. бандида вояга етмаганларнинг турар жой ва мулкий ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларига ўз вақтида ва қатъий муносабат билдирилсин, уларни тўла-тўқис тиклаш борасида зарур ҳуқуқий чоралар кўрилиши кераклиги таъкидланган. Вояга етмаганлар яшайдиган турар-жойлар билан битимлар тузишнинг қонунда белигиланган алоҳида тартибини ўтказувчи, васийлик ва ҳомийлик органлари мансабдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал қилинсин деб белгиланган.

Вояга етмаганларнинг соқлигини сақлаш тўғрисидаги қонунларнинг ижроси мунтазам равища текширилсин, давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида текин даволаниш ҳуқуқининг таъминланишига алоҳида эътибор берилсин. Даволаш учун ноқонуний ҳақ олиш ҳоллари юзасидан айбдор шахсларга нисбатан тегишли таъсир чоралари кўрилсин. Прокурорларнинг вояга етмаганлар манфаатини кўзлаб, шу жумладан тўланган пул маблагларини қайтариш буйича судга мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдалансин. Болаларни парваришилаш, тарбиялаш тиббий ва ижтимоий ердам кўрсатиш мажбуриятларини бажармаган айбдор шахслар жавобгарликка тортилишининг таъминланиши шартлиги буйруқнинг 3.3. бандида ўз аксини топган.

Давлат профилактика тизими органлари томонидан қаровсиз ва назоратсиз қолган болаларни, нотинч оиласаларни аниқлаш ҳамда болаларнинг ҳуқуқларини

⁶ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июн кунги 27-сонли “Вояга етмаганлар ща=идаги =онунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятин янада такомиллаштириш ты\рисида”ги Буйру\и.

ҳимоялаш борасида ваколатли идораларга мурожаат қилиш ҳақидаги қонун талабларининг оғишмай бажарилишини таъминлашга эришилиши ва вояга етмаганларнинг ҳуқук ҳамда эркинликлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида судларда ота-оналик ҳуқуқини чеклаш, бу ҳуқуқдан маҳрум қилиш ҳақида даъво аризалари киритилиши лозимлиги ҳақидаги талаб эса, буйруқнинг 3.4. бандида кўрсатиб ўтилган.

Васийлик ва ва ҳомийлик органлари томонидан етим ҳамда ота-оналарнинг қаровсиз қолган болаларни аниқлаш, уларни оилага, меҳрибонлик уйлари ва интернат муассасаларига, васийлик ва ҳомийликка ўз вақтида жойлаштирилиши устидан доимий назорат ўрнатилиши керак;

Болаларнинг таъминоти, таълим-тарбияси, етим ҳамда ота-оналарнинг қарамоғисиз қолган болаларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоялаш, соғлиқни сақлаш, таълим ва ижтимоий ҳимоялаш муассасаларида бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишига қаратилган қонунлар ижроси мунтазам равища текширилиши лозимлиги;

Бедарак йуқолган болаларни қидириб топиш тўғрисидаги қонун талабларининг ижроси устидан таъсирчан назорат амалга оширилиши кераклиги;

Вояга етмаганларнинг ўқиш ва яшаш жойларида тарбиявий ишларнинг аҳволи мунтазам равища текширилиши, аниқланган ҳуқуқбузилишлар юзасидан ешларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш, тарбиялаш, ўқишдан бош тортган болаларни аниқлаш ҳамда таълим муассасаларига қайтариш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга мутасадди бўлган ўзини ўзи бошқариш органлари ўқув муассасалари ва бошқа идоралар мансабдор шахсларининг масъулиятини оширишга қаратилган прокурор таъсир чоралари кўрилиши лозимлиги;

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ҳамда “кадрлар тайерлаш миллий дастури”нинг ижроси умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълим олиш ҳуқуқининг таъминланиши устидан самарали прокурор назорати вояга етмаганларнинг ҳуқук ва манфаатларини ҳимоялаш, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг муҳим воситаси деб ҳисобланиши лозимлиги;

Давлат таълим муассасаларида вояга етмаганларни ҳақ-хуқуқларини чеклайдиган қоидаларни жорий қилиш, асоссиз равишда ўкувчилар сафидан чиқариш, стипендия ва нафақа олиш хуқуқининг бузилиши таъсир чораларини кўллашда ўзбошимчалик ҳолатлари юзасидан айбдор шахсларнинг жавобгарлиги қатъий таъминлаб борилиши кераклиги;

Ешларнинг дуневий таълим олиш, виждан эркинлиги хуқуқини таъминланиши устидан назорат кучайтирилсин. Вояга етмаганларнинг хуқуқ ва эркинликлари поймол этиш, уларни оиладан ва жамиятдан ажратиш, соғлиғи ва маънавий камол топишига зарап етказиши билан боғлиқ, шунингдек, ғайриқонуний ҳаракатларни содир этишга даъват этувчи диний ташкилотлар фаолиятига йўл қўймаслик чоралари кўриб борилиши лозимлиги тўғрисидаги талаблар буйруқнинг 4, 5, 6, 7, 8, 8.1., 8.2. бандларида кўрсатиб ўтилган.

Буйруқнинг 9-бандида Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексида вояга етмаганлар учун кўзда тутилган қўшимча кафолатлар, шу жумладан ишга қабул қилиш, меҳнат шароитларини яратиш иш вақтини белгилаш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнат таътили беришнинг алоҳида тартибига риоя қилиниши устидан прокурор назорати кучайтирилиши ҳақидаги талабининг бажарилиши, вояга етмаганларга доир меҳнат қонунчилиги, айниқса кичик ва ўрта бизнес корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда техника хавфсизлигига риоя қилиниши юзасидан ўtkaziladigan текширишларга мутахассис сифатида меҳнат бўйича ҳуқукий ва техник инспекторлари жалб қилиниши таъкидланган.

Буйруқнинг 10-бандида «Умумтаълим мактабларида, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълим муассасаларида ўспиrimларни чақиравуга қадар тайерлаш, уларни жисмоний тарбиялаш, даволаш ва соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш ҳамда ҳарбий рўйхат қоидаларига риоя қилиш ҳақидаги қонун талабларининг ижроси мунтазам равишда текширилсин ”деб таъкидланган.

Ҳокимликлар хузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.09.2000 йилги “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 360-сонли қарорининг ижроси ҳар чорақда камида бир маротаба текширилсин. Шунингдек текширишларда мазкур қарор билан комиссияларга

юқлатилган асосий вазифаларнинг бажарилишига, авваламбор вояга етмаганларнинг хуқук ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсиз, қаровсиз қолиши ҳамда улар ўртасида содир этилаётган хуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиши сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги ишларининг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги тўғрисидаги талаб эса, буйруқнинг 11-бандида таъкидланган.

Буйруқнинг 11.1.-бандида «Комиссиялар томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги ўз вақтида ўрганиб борилсин, ноқонуний қарорлар устидан протест келтириш ваколатидан самарали фойдаланилсин» деб талаб этилган.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ушбу буйруғи вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат қилиш бўйича ваколат доирасига кирувчи деярли барча вазифаларни ўз ичига олган. Буйруқнинг 12. бандида эса, “Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар орасида хуқуқбузарликларни олдини олиш хизмати фаолияти устидан назоратни кучайтирилиши, вояга етмаганларни ички ишлар органларига олиб келишнинг қонунийлиги, уларга нисбатан маъмурий ва бошқа таъсир чоралари кўриш ҳамда профилактика рўйхатига олиш ҳақидаги қарорларнинг асослилиги мунтазам равишда, профилактика ишларининг аҳволи ҳар чоракда камида бир маротаба текширилиши кераклиги тўғрисидаги талаб ҳам жуда тўғри белгиланган бўлиб, вояга етмаганларнинг хуқук ва эркинликларини бошқа буйруқ талаблари асосида ҳам таъминланиши мумкин. Бу таъминланиш соҳавий буйруқнинг умумий талаблари асосидаги қоидаларнинг вояга етмаганларга ҳам тааллуқли эканлиги билан ҳамда алоҳида вояга етмаганларга тегишли қоидаларнинг белгиланиши билан ажралиб туради. Масалан, жиноят судлов соҳасида вояга етмаганларнинг жиноят-процессуал қонунчилиги билан мустаҳкамланган хуқуқий кафолатларига қатъий риоя қилиниши таъминланиши, уларга нисбатан жиноят иши қўзғатиш, ушлаш ҳамда ҳибсга олиш масалаларига алоҳида масъулият билан ёндашилсин, асоссиз қамоқقا олиш ва жиноий жавобгарликка тортиш ҳолларига йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талаб эса, буйруқнинг 13-бандида таъкидланган.

§ 4. Вояга етмаганларнинг қаровсизлигига қарши кураш бўйича қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш.

Вояга етмаганларнинг тарбияси барча фуқароларнинг, давлат ва жамоат ташкилотларининг мухим Конституцион мажбурияти ҳисобланади. Республикаизда амалга оширилаётган суд-хукуқ ислоҳотлари ёшларни маънавий-маърифий, сиёсий-ғоявий тарбиясини, меҳнат, дам олиш, ўқиш, билим олишга бўлган талабларини тўла қониктиришни, юксак даражага қўтаришни ҳам назарда тутади.

Хозирги кунда ҳар қачонгидан ҳам долзарблиги кучайган муаммо бу ёшлар тарбиясидир. Айни масалаларни ҳал қилишда прокуратура фаолиятининг аҳамияти жуда каттадир.

Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда прокуратуранинг вазифаси, қонун билан белгиланган ваколатларидан фойдаланиб, вояга етмаганларнинг қонуний манфаатларини, хукуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган қонун талабларини бажарилишини таъминлаш, бу соҳадаги жиноятчиликка қарши кураш ишини яхшилаш, жиноятларни келиб чиқиш шарт-шароитлари ва сабабларини аниқлаб, хукуқбузарлик йўлига ўтган ўсмир ва ёшларни тўғри йўлга солиш ҳисобланади.

Шунингдек, вояга етмаганларнинг назоратсиз, қаровсиз колиши ва улар томонидан хукуқбузарлик содир этилишини олдини олишда ҳокимликлар таркибидаги вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар ҳам мухим роль ўйнайди. Бу комиссия ота-онасиз қолган ёки ота-онаси ўз ота-оналий мажбурият ҳамда бурчларини бажармаётган, уларни тарбиясига бефарқ бўлган ҳолдаги болаларни, вояга етмаганларни, шунингдек, ишга жойлашишга, ўқишга муҳтоҷ ва имконияти йўқ вояга етмаганларни шунингдек, ижтимоий ёрдамнинг бошқача кўринишларига муҳтоҷ вояга етмаганларни қидириб топади ва уларни рўйхатга олади.

Рўйхатга олинган вояга етмаганларни тегишлича ишга жойлаштириш, уларни даволаш, тарбия, ўқув муассасаларига жойлаштириш ҳамда уларни ўзлари учун муносиб шарт-шароитларни яратиб бериш учун мазкур комиссия

масъулдир. Комиссия шунингдек, тарбиявий ва маъмурий чора қўлланилган, ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жавобгарликка тортилган шахслар, вояга етмаганлар устидан назорат олиб боради⁷.

Вояга етмаганларнинг тарбияси ва уларнинг хуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ижроси комиссия томонидан қандай амалга оширилаётганлиги устидан прокурор назорати амалга оширилади.

Ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиянинг қарорларини қонунийлиги ҳам прокуратура органлари томонидан назорат қилинади. Прокурор ўз ваколатлари доирасида вояга етмаган шахсга нисбатан ёки унинг ота-онасига нисбатан чиқарилган маъмурий ёки бошқа чораларни қўллаш ҳақидаги қарорнинг қонунийлигини текширади.

Прокурорнинг вазифаси фақатгина комиссия фаолиятини текшириш ва назорат қилишгина эмас, балки, комиссия қарорларини ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш юзасидан уларнинг фаолиятига амалий равишда хуқуқий ёрдам бериш ҳам ҳисобланади.(бу борада, комиссияга қарорлар қабул қилишда, уларни лойиҳаларни ишлаб чиқишида, ўсмирларга таъсир қилиш чоралари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини бериши мумкин).

Тошкент вилоятида 2005–2006 йилларнинг 5 ойи мобайнида аниқланган ўқимайдиган ва ишламайдиган вояга етмаганлар ҳамда ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга чиқарилган хужжатлар тўғрисидаги маълумотларга назар ташласак, вилоят бўйича 2005 йилда жами аниқланган ўқимай ва ишламай юрган вояга етмаганлар сони 176 тани ташкил этган бўлса, 2004 йилнинг 5 ойи мобайнида 231 тани ташкил этган, шулардан 2003 йилда 145 таси, 2006 йилда 206 таси ўқишига қайтарилиган, 2005 йилда 11 таси, 2006 йилда 6 таси ишга жойлаштирилган, 2005 йилда 20 таси, 2006 йилда 19 тасига ўқиши ва ишга жойлаштириш чоралари кўрилган ҳамда 2005 йилда 291 та, 2006 йилда 397 та вояга етмаган шахснинг ҳужжатлари ҳокимлик ҳузуридаги вояга етмаганлар билан шуғулланувчи комиссияга топширилган⁸.

⁷ Николюк В.В. Уголовный процесс по делам о преступлениях несовершеннолетних: Лекция. Омск, 1998. - 43-бет.

⁸ Тошкент вилояти прокуратураси материалларидан. 2004 йил.

Ўзбекистон Республикаси прокурорининг 2004 йил 22 июн кунги 27-сонли «Вояга етмаганлар ҳақида қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Буйруғида (11 банди) шундай дейилади: “ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари буйича комиссиялар фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.09.2000 йилги “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 360-сонли қарорининг ижроси ҳар чоракда камида бир маротаба текширилсин. Шунингдек текширишларда мазкур қарор билан комиссияларга юклатилган асосий вазифаларнинг бажарилишига, авваламбор вояга етмаганларнинг хуқук ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсиз, қаровсиз қолиши ҳамда улар ўртасида содир этилаетган хуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги ишларининг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилсин деб таъкидланган.

Буйруқнинг 11.1.-бандида «Комиссиялар томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги ўз вақтида ўрганиб борилсин, ноқонуний қарорлар устидан протест келтириш ваколатидан самарали фойдаланилсин» деб талаб этилган.

Куриниб турибдики, мунтазам равишда назоратни амалга ошириш билан бирга камида ҳар бир чоракда албатта мажбурий текширишни амалга оширилиши лозимлиги ҳақидаги талабни қўйилганлиги прокурорлардан масъулиятни тушириб юбормасликни тақазо этади.

Прокурор назоратни амалга ошириш чоғида вояга етмаган шахсга ёки унинг ота-онасига солинган жариманинг қонунийлигини текширади. Бунда у ҳар қандай ғайриқонуний қабул қилинган жарима солиш тўғрисидаги қарорни устидан протест келтиради.

Прокурор мазкур йўналишда назоратни амалга ошира бориб "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 22-моддасида назарда тутилган ваколатлардан фойдаланиши, вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятларни олдини олиш мақсадида уларни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишни кўрсатиб тегишли орган, мансабдор шахсга

тақдимнома киритиши ёки бошқа прокурор таъсир ҳужжатларини қўллаши лозим.

Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг муҳим соҳаси бу ички ишлар органларидағи вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи инспекция фаолиятидир.

Халқ таълими, ўсмирларнинг меҳнати тўғрисидаги қонунларнинг ижроси, уларни ўқиши, иш ва яшаш жойларида тарбиявий ишларнинг аҳволи мунтазам равишда текширилади. Ўқишдан ва фойдали меҳнатдан бош тортган болаларни аниқлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фойдали машғулотлар билан бандлиги масалаларида шуғулланадиган идоралар фаолияти устидан назоратни олиб боришига алоҳида эътибор қаратилади. Вояга етмаганларни ўқишдан асоссиз четлатиши ҳоллари бартараф этилиши назарда тутилади.

Бундан ташқари, болалар уйлари ва мактаб интернатлари қарамоғида бўлган, ота-онасиз қолган вояга етмаганларни ўқитиши, тарбиялаш ва яшаш шароитлари билан боғлиқ қонунларнинг ижроси устидан ўрнатилган назоратнинг самарадорлиги оширилиши керак.

Ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ ва етим болалар ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза этиш, назоратсиз қолишларининг олдини олишга қаратилган амалий чоралар кўрилиши лозим. Ушбу ишлар болалар ва маҳалла жамгармалари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борилишига эътибор берилиши керак.

Ўсмирларни ҳарбий хизматга чақиришга қадар тайёрлаш ишларига оид умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонун талабларини бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатилиши таъминланиши керак.

Прокуратура органлари амалиётида ўсмирларлар билан индивидуал тарзда ишлаш, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишининг индивидуал тартиблари устидан батафсил ишлаш имконияти, уларнинг прокуратура фаолиятининг бошқа йўналишлари бўйича ҳам кенг тармоқли иш олиб боришлари ва вақтнинг чегаралангандиги сабабли тўлиқ ишлатилмайди.

Қаровсиз қолган вояга етмаган шахларни қабул қилиш ва тарқатища қонунбузарликка йўл қўймаслик чораларини кўриши керак. Ўзбекистон

шароитида турли хил кийим-кечак, саноат моллари, дехқон бозорларида республикамизнинг турли ерларидан келиб қолган ва мактаб таълимини олиш ўрнига оиласа моддий ёрдам кўрсатиш учун меҳнатга ёлланаётган вояга етмаган шахсларни назардан четда қолдирилмаслиги керак. Айниқса, пойтахтдаги бозори бўлган туманлар прокурорлари шу бозорларга келиб қолган бошқа вилоятлар фуқаролари бўлган вояга етмаганларнинг яшаш жойларидаги прокурорлар билан ўзаро ҳамкорликни жойга қўйишилари, вояга етмаганларнинг ота-оналарининг масъулиятини оширишга чорлашлари керак.

Тошкент вилоятидаги 2005-2006 йилларнинг ҳар 5 ойи давомида вояга етмаганлар назоратхонасига келтирилган ўсмирлар тўғрисидаги маълумотномага назар ташласак, вилоят бўйича 2005 йилнинг 5 ойи давомида жами бўлиб, 1295 та вояга етмаган шахс келтирилган. Шундан адашиб қолганлари 303 та, 646 таси шахсини аниқлаш учун олиб келинган, 346 таси ҳукуқбузарлик содир этганлиги учун олиб келинган. 2006 йил 5 ойи давомида эса, жами бўлиб, 1414 та келтирилган. Кўриниб турибдики 2005 йилга нисбатан 2006 йилнинг 5 ойи давомида 119 та вояга етмаган шахс кўпроқ вояга етмаганлар назоратхонасига келтирилганлар. Адашиб қолганлари 229 тани ташкил этган бўлса, 801 таси шахсини аниқлаш учун келтирилган, 384 таси эса ҳукуқбузарлик содир этганлиги учун келтирилган. Ҳукуқбузарлиги учун 83 та вояга етмаган шахслар ўтган йилгига нисбатан кўпроқ келтирилган. Шахсини аниқлаш учун эса, 2004 йилнинг 5 ойига нисбатан 2005 йилнинг 5 ойи мобайнида 155 та шахс ортиқча олиб келинган⁹.

Фикримизча, бу борада вояга етмаганларнинг қаровсизлигига қарши кураш юзасидан, вояга етмаганларнинг мактабгача бўлган тарбияси, мактаб давридаги, коллеж, лицей ёки бошқа ўрта-маҳсус, олий ўқув юртларидаги ўқишлари, уларнинг бандлиги, уларнинг меҳнатини тартибига солиш, уларни спорт, маънавий-маърифий тарбиясини оширишни тартибга солиш юзасидан, бу борада ота-оналарнинг, васийлик ва хомийлик органларининг, маҳалланинг, ўқув

⁹ Тошкент вилояти прокуратураси материалларидан. 2004 йил.

муассасаларининг масъулияти ва мажбуриятини тартибга солувчи қонун қабул қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**П-БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТҮРРИСИДАГИ ҚОНУНЛАР
ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТ БҮЙИЧА ПРОКУРОРНИНГ
ВАКОЛАТЛАРИ.**

§1. Вояга етмаганларнинг тарбияси ва уларнинг ҳукуқларини муҳофаза қилиш түррисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда прокурор ваколатлари.

Прокуратура фаолиятининг энг муҳим қисмларидан бири бу вояга етмаганлар түррисидаги қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш ҳисобланади. Вояга етмаганларнинг тарбияси масаласи уларнинг туғилишидан тортиб, 18 ёшга киргунга қадарли даврни ўз ичига олиб, шу ёши даври мобайнида унинг яшashi, ўқиши, ривожланиши, ҳам маънавий ҳам жисмонан баркамол бўлиб этиши давлатимиз томонидан турли қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари асосида назоратга олинган бўлиб, уни аниқ ва бир хилда ижро этилиши прокуратура идоралари томонидан амалга оширилади. Прокуратура идоралари уларнинг ҳукуқларини муҳофаза қилиш түррисидаги қонунларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширап экан, уларнинг ваколатлари фақатгина битта қонун ёки қонун ости ҳужжатида белгиланмаган. “Прокуратура түррисида”ги Қонунда умуман прокуратура идораларининг, прокурорларнинг ваколатлари ва фаолият принциплари белгиланган. Бошқа қатор қонунларда вояга етмаганларнинг ҳукуқ ва эркинликлари ўзига яраша жой олган. Масалан, Жиноят процессуал кодексида вояга етмаганларга тегишли жиноят ишлари юзасидан иш юритиш тартиби ҳамда қонунчиликда уларга нисбатан қонун билан белгиланган имтиёзлар, уларнинг ҳукуқ ва эркинликлари баён қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 60-боби “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш” деб номланиб, 547-564 моддалар билан тартибга солинган. Унга кўра, вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш тартиби, вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги жиноят ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, вояга етмаганнинг қонуний вакили ишда қатнашиши, вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлаш, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг

вакилларини вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд мухокамасида иштирок этишга жалб қилиш, вояга етмаган шахсга айлов эълон қилиш, вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш, вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда педагог ёки психологнинг иштироки, вояга етмаган айбланувчига нисбатан қўлланиладиган эҳтиёт чоралари, вояга етмаган шахсни қаровга топшириш тартиби, вояга етмаган шахсни болалар муассасасига жойлаштириш, вояга етмаган айбланувчини қамоқقا олиш, дастлабки терговни тамомлаш ва вояга етмаган шахсни иш материаллари билан таништириш тартиби, вояга етмаганларнинг жиноят ишлари тўғрисидаги ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш, вояга етмаган судланувчини суд мажлиси залидан чиқариб туриш, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияга ишнинг кўрилиши ҳақида хабар бериш, вояга етмаган судланувчига нисбатан хукм чиқаришда суд томонидан ҳал этиладиган масалалар, вояга етмаган шахсни жавобгарликдан ёки жазодан мажбуров чораларини қўллаган ҳолда озод қилиш масалаларини қандай тарзда ҳал қилиниши тартиби белгиланган бўлса, айнан шу кодекснинг 33-34 моддаларида жиноят процессининг дастлабки терговидаги прокурор ва прокурорнинг ваколатлари берилган. ЖПКнинг 558 моддаси вояга етмаган айланувчини қамоқقا олиш деб номланиб, айнан шу модданинг ўзида ҳам прокурор ваколати ҳамда вазифаси алоҳида кўрсатиб ўтиб кетилган. Масалан, иккинчи қисмида, “Прокурор вояга етмаганни қамоқка олиш учун рухсат бераётганида иш материаллари билан шахсан танишиб чиқиши, қамоқقا олиш асосларини текшириши, ходисанинг фавқулоддалигига ишонч ҳосил қилиши ва айбланувчини ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича сўроқ қилиши керак”лиги кўрсатилган. Худди шунингдек, вояга етмаган шахс билан боғлиқ бўлган кўпгина қонунларда прокурорнинг ваколатлари белгиланган. Вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги масаласи жиноят қонунчилигига, Фуқаролик процессуал кодексида процессуал қонун билан берилган имтиёзлар, прокурорнинг ваколатлари ва бурчлари, Мехнат қонунчилигига эса, уларнинг ўзига яраша вояга етганларга нисбатан камроқ вақт ишлаш ва қўпроқ дам олиш имтиёзлари, тунги ишларда ҳамда заарли ва оғир ишларда ишлашга йўл қўйилмаслиги масалалари юзасидан бўлган хуқуқлари белгилаб қўйилган. Умумий назоратни амалга ошираётган

прокурор албатта ҳар қандай корхона, муассаса, ташкилотда вояга етмаган шахсни меҳнатин эксплуатация қилинмаяптыми, уларга меҳнат қонунчилиги кафолатлаган имтиёзлар ҳақиқатда берилдияптыми, тунги, оғир ва заарли ишларда ишлашига йўл кўйилмаяптыми текшириш учун “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда белгиланган қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишдаги прокурорнинг ваколатларидан фойдаланади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 22-моддаси Қонунлар ижроси устидан назорат бўйича прокурорнинг ваколатларига таълуқли бўлиб, унга кўра, “Прокурор қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш жараёнида ўз ваколатлари доирасида:

-вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларнинг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, ҳарбий қисмларнинг ҳудуди ва хоналарига монеликсиз киришга, ҳужжатлар ва материалларни кўришга, текширишлар ўтказишга, текшириш учун қарорлар, фармойишлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни, қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги(айни вақтда вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунийликнинг аҳволи тўғрисида) ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни талаб қилишга;

-давлат органлари, ҳарбий қисмлар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмалари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан улар тасарруфидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини текшириш, тафтиш ўтказишни, идоравий ва ноидоравий текширишлар ўтказиш учун мутахассислар ажратишни талаб қилишга;

-mansabdar шахслар ва фуқаролардан қонун бузилиши хусусида оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилишга хақлиdir.

Қонун бузилиши аниқланган тақдирда прокурор Қонунда ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўришга мажбур” дейилган.

Кўриниб турибдики, ҳар қандай вазирлик, давлат қўмитаси, идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳарбий қисмларнинг ҳудуди ва хоналарига вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мухофаза қилиш учун монеликсиз киришга, уларга тегишли бўлган ҳужжатлар ва материалларни кўришга, вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан турли текширишлар

ўтказишга, текшириш учун қарорлар, фармойишлар, буйруқлар ва бошка хужжатларни, вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни олишга ва тегишли тарзда даражасига қараб, турли прокурорлик таъсир чораларини қўллашга ваколатлидир.

Худди шундай, ушбу Қонуннинг 25- моддасида фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат қилиш юзасидан прокурор ваколатлари берилган бўлиб, унга кўра, прокурор ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажара бориб:

- фуқаронинг (айни ҳолатда вояга етмаганнинг ҳам) ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, шикоятлар ҳамда бошка маълумотларни кўриб чиқади ва текширади;
- аризаларга уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тартибини тушунтиради;
- фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш, қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган заарни қоплаш чора-тадбирларини қўради;
- фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишини жиной хусусиятга эга деб билиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда прокурор жиноят иши қўзғатади ҳамда уни содир этган шахслар қонунга биноан жиной жавобгарликка тортилишига доир чораларни қўради.
- фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши маъмурий ҳуқуқбузарлик хусусиятига эга бўлган ҳолларда прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатади ёки зудлик билан ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотни ва текширув материалларини маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши ваколатига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга беради.

Ушбу ваколатлар вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурорнинг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига асосан бўлиб, худди шундай ваколатларини прокуратура фаолиятининг бошка йўналишлари бўйича ҳам вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ваколатлар доирасига киритсак бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 28 моддаси жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган

органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилишда прокурорнинг ваколатларига тегишли бўлиб, айни вақтда шу ваколатлар бевосита вояга етмаганларнинг хуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар ижросини жиноятчиликка қарши курашувчи органлар томонидан қай тарзда ижро этилиши устидан прокурор назоратини амалга оширилади. Прокуратура фаолиятининг барча йўналишлари бўйича вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси деб номма-ном ёинки, сўзма-сўз айтилмасада, бу ваколатлар биз тадқиқот олиб бораётган йўналиш бўйича ҳам тааллуқли ҳисобланади.

Кўриниб туриптики, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида белгиланган “Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари”да белгиланган барча йўналишлари бўйича, вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат қилиш бўйича прокурорнинг ваколатларини кўриш мумкин.

Фикримизча, вояга етмаганларнинг тарбияси ва уларнинг хуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда прокурор ваколатлари прокуратура фаолиятининг айrim йўналишлари бўйича қонунда ўз аксини топгани каби, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунида қонунлар ижроси устидан назорат боби алоҳида кўрсатиб ўтилиб кетилиши керак. Бунинг учун тегишли тартибда қонуннинг 22-моддасига охирги абзац сифатида « Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда прокурорлар ушбу Қонуннинг 22,25,28,31,33-моддаларида кўрсатилган ваколатлардан ҳамда 37-моддада кўрсатилган прокурор назорати ҳужжатлари турларидан фойдаланади» деган қўшимча киритилиши зарур деб ҳисоблаймиз.

**§ 2. Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш.
Прокурор назорати таъсир воситалари орқали вояга етмаганларнинг
қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилиниши.**

Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш жараёнида прокурор ўз таъсир ҳужжатлари ва бошқа ҳуқуқий воситалар ёрдамида вояга етмаган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши, улар бузилган тақдирда тегишли чора-тадбирларни кўриши лозим.

Прокурор томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиниши энг аввало прокурор томонидан умумий назорат тартибида текширишлар ўtkазиш орқали амалга оширилади. Прокурор умумий назорат ўtkазиш чоғида вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар, корхона, муассасалар, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, ҳокимлар ва мансабдор шахслар томонидан вояга етмаганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланаётганини текширади. Умумий назорат воситасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда прокурор бу қонун бузилишларини олдини олиш, улар оқибатини бартараф этиш чораларини кўриши ва тегишли мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласини ҳал этиши лозим.

Вояга етмаганлар ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишда умумий назоратнинг аҳамияти жуда катта бўлади. Прокурор умумий назорат олиб бориш жараёнида вояга етмаганларнинг таълим тарбия олиши, ижтимоий муҳофаза қилиниши учун масъул шахслар, идоралар томонидан бу мажбуриятларнинг бажарилиши ва вояга етмаганлар ҳуқуқларининг таъминланишини текширади. Вояга етмаган шахснинг ота-онаси ўз бурчларини муносиб бажармаганлиги, ўз ота-оналий ҳуқуқларини сунистеъмол қилган тақдирда, шунингдек, вояга етмаган шахснинг тарбиясига салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолларда прокурор судга бу шахсларни ота-оналий ҳукуқидан маҳрум қилишни сўраб даъво кўзғатиши мумкин. Бунда прокурор судда шахсан ўзи иштирок этиб, вояга етмаган шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиласди.

Прокурор вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда вояга етмаганларга турли имтиёзлар берувчи қонун хужжатларининг ҳам ижроси устидан назорат олиб бориши лозим. Қонунлардаги имтиёзлар меҳнатга оид қонунчиликка кўра, вояга етмаганларнинг меҳнатидан оғир, соғлиқ учун заарли ишларда фойдаланиш мумкин эмаслиги, дам олиш кунларида ишга қўйиш мумкин эмаслиги, уларга нисбатан қисқартирилган иш ҳафтаси тадбиқ этилиши кабилар бўлиши мумкин.

Вояга етмаганларнинг соғлиги ва меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунларнинг ижроси устидан прокурорлик назорати кучайтирилиши, бунда корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат шартномасига амал қилинишига, табиий кўрик ҳамда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишига алоҳида эътибор берилиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 22-моддаси Қонунлар ижроси устидан назорат бўйича прокурорнинг ваколатлари қайд этилган бўлиб, шу ваколатлардан вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижросини таъминлашда ҳам кенг фойдаланади: Жумладан:

-вазирликлар(қайси вазирлик бўлишидан қайтъий назар, шу вазирликка бўйсунувчи ҳар қандай ташкилотлар, корхоналар ва муассасаларда) давлат қўмиталари, идораларнинг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, ҳарбий қисмларнинг ҳудуди ва хоналарига монеликсиз киришга, хужжатлар ва материалларни кўришга, текширишлар ўтказишга, текшириш учун қарорлар, фармойишлар, буйруқлар ва бошқа хужжатларни, қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги(айни вақтда вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунийликнинг аҳволи тўғрисида) ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни талаб қилишга ҳақли. Кўриниб турибдики, қонунлар ижросини текшириш чоғида, қайси қонун буйича текшириш бўлишидан қатъий назар, параллел равишда вояга етмаганларга оид қонунлар ижросини ҳам текшириб кетиши мумкин. Масалан, маълум бир вазирликка тегишли бўлган ишлаб чиқариш корхонасида қонунлар ижроси юзасидан “умумий назорат” тартибида текшириш ўтказиласпти. Шу текшириш мобайнида шу корхонада ишловчи “вояга етмаган шахслар”нинг меҳнат қонунчилиги билан белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларига қай даражада амал

қилинаётганлигини бира тўла текшириб кетилиши ва тегишли тартибда, аниқланган қонун бузилиши даражасига қараб прокурор таъсир ҳужжатлари қўлланиши мумкин.

-mansabdor шахслар ва фуқаролардан қонун бузилиши хусусида оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилишга ҳақлидир.

Қонун бузилиши аниқланган тақдирда прокурор Қонунда ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўришга мажбур” дейилган.

Прокурор назорати таъсир воситалари орқали вояга етмаганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилиниши дейилганда, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун бўйича прокурор томонидан қўлланиши мумкин бўлган прокурор назорати ҳужжатлари тушунилади. Уларга Қонуннинг 37-моддаси бўйича, “Протест”, “Қарор”, “Тақдимнома”, “Ариза” ва “Огоҳлантирув” киради.

Қонуннинг 25-моддасида фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат қилиш юзасидан прокурорнинг ваколатлари қайд этилган бўлиб, фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишини жиноий хусусиятга эга деб билиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда прокурор жиноят иши кўзғатади ҳамда уни содир этган шахслар қонунга биноан жиноий жавобгарликка тортилишига доир чораларни кўриши мумкинлиги, шунингдек фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши маъмурий ҳуқуқбузарлик хусусиятига эга бўлган ҳолларда прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш кўзғатиши ёки зудлик билан ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотни ва текширув материалларини маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга бериши кўрсатилган. Ушбу ваколатлар юзасидан прокурор томонидан қўлланиши мумкин бўлган прокурор назорати ҳужжатлари ҳам вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ҳам қўлланиши мумкин.

Масалан, вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан прокурор шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга протест келтириши мумкин. (Ўз.Рес.”Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 38-моддаси). Мансабдор шахснинг ноқонуний қарорига нисбатан ҳам худди шундай

тартибда протест келтирилади. Протестни кўриб чиқиш муддати ва протест олдига кўйилган талабларда прокурорнинг вояга етган шахслар юзасидан киритадиган протестларидан фарқ мавжуд эмас. Барча талаб ва тартиб бир хил ҳисобланади. Умуман олганда барча прокурор таъсир хужжатларининг ҳам олдига вояга етмаганлар учун алоҳида тартиб ўрнатилмаган. Бу борада, вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан алоҳида тартиб ўрнатилса, масалан, протестни кўриб чиқиш муддатини 10 кундан 5 кунга қисқартирилса, бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 38-моддасига иккинчи абзацидан кейин учинчи абзац сифатида “ Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан протест келиб тушган вақтдан бошлаб беш кунлик муддатдан кечиктирмай кўриб чиқилиши шарт” деган ўзгартириш киритилса, мақсадга мувофиқ бўлган бўлар эди. Чунки, вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан бундай ўзгартиришни киритиш вояга етмаганлар хуқуқларини янада мустаҳкамлаган, ҳар қандай орган ва мансабдор шахс олдида масъулиятни кучайтирган бўлар эди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июн кунги 27-сонли «Вояга етмаганлар ҳақида қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғининг 7-бандида вояга етмаганларнинг ўқиш ва яшаш жойларида тарбиявий ишларнинг аҳволи мунтазам равиша текширилиши, аниқланган хуқуқбузилишлар юзасидан ешларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш, тарбиялаш, ўқишдан бош тортган болаларни аниқлаш ҳамда таълим муассасаларига қайтариш, улар ўртасида хуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга мутасадди бўлган ўзини ўзи бошқариш органлари ўқув муассасалари ва бошқа идоралар мансабдор шахсларининг масъулиятини оширишга қаратилган прокурор таъсир чоралари кўрилиши лозимлиги таъкидланган.

§ 3. Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилишда прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг айрим масалалари

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда вояга етмаганларларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол шахс этиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиган масаладир. Вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни баркамол шахс этиб тарбиялашнинг аҳамияти хусусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ҳаётимизнинг қайси соҳасини олмайлик, уларнинг барчаси охир-оқибатда шу масалага, яъни бизнинг қандай жамият қуришимиз ва шу жамиятга муносиб баркамол авлодни тарбиялашимизга бориб тақалади” деган фикрлари вояга етмаганларни тарбиялаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш жуда муҳим масала эканлигини кўрсатади¹⁰.

Вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш кенг тушунча бўлиб, у амалга оширилиши керак бўлган муҳим чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2006 йил 12 декабрда қабул қилган “Ижтимоий ҳимоя йили” давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармойишида вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қуидаги йўналишларда иш олиб бориш лозимлиги кўрсатилган:

Биринчидан, боқувчисини йўқотган вояга етмаганларга кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам нормалари ва ставкаларини мақбуллаштириш;

Иккинчидан, болалар уйлари ҳамда касалликларга чалинган болалар учун интернатларни таъминлашга сарфланадиган норматив моддий харажатлар миқдорини мақбуллаштириш;

Учинчидан, 2 ёшгача болалри бўлган оналарга, кўп болали ва кам таъминланган оиласаларга маҳалла қўмиталари томонидан кўрсатиладиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақалар миқдорларини қайта кўриб чиқиш;

¹⁰ Каримов.И.А.Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ.Т.:12.Т.2004. Ўзбекистон .Б 135

Тўртинчидан, “Мехрибонлик” уйлари ва маҳсус мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, боқувчисиз қолган болаларга эътиборни янада кучайтириш, “Сен ёлғиз эмасссан” инсонпарварлик шиорини ҳаётга амалий жорий этилишини таъминлаш;

Бешинчидан, жисмоний соғлом, маънавий бой авлодни шакллантириш, чора-тадбирларини янада кенгайтириш, оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, “Соғлом она-соғлом бола” ҳаракатини ривожлантириш. Бунда. нафақат моддий ёрдам билан боғлиқ, балки мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртлари ёшлари ўртасида тушунтириш ишлари, турли факультатив машғулотларни олиб бориш билан боғлиқ бўлган аниқ йўналишларни белгилаб олиш;

Олтинчидан, ёшларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, уларнинг қобилияти ва салоҳиятини юзага чиқариш учун шароит яратиш, ёш оиласлар мустақил ҳаётга қадам қўйишида уларни маънавий ва моддий рағбатлантириш йўли билан қўллаб-кувватлаш, ёш оиласларга имтиёзли кредитлар бериш¹¹.

Юқоридаги чора тадбирларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Прокуратура органлари вояга етмаганларга оид қонунлар ижросини назорат қилишда, вояга етмаган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қонунийликни таъминлашда, уларнинг қонуний ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида тегишли ишларни амалга оширмоқдалар.

Бу борада прокуратура органлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид бўлган қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги 27-сонли “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Буйруғи асосида олиб бормоқдалар.

¹¹“Ижтимоий ҳимоя йили” давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 декабрдаги Фармойиши. Халқ сўзи, 2006 йил, 13 декабрь

Юқорида қайд қилинган Буйруқда прокуратура органларининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назоратини олиб бориша асосий вазифаси “вояга етмаганларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, улар ўртасида ҳукуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат” бўлиши лозимлиги кўрсатилган¹².

Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларининг бу борадаги фаолиятини таҳлил қиласиган бўлсак, прокуратура органлари томонидан эришилган ютуқлар билан бирга вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимояга оид бўлган ҳукуқларини таъминлаш, вояга етмаганлар ўртасида ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ҳамда вояга етмаганларнинг ҳукуқий онгини ошириш бўйича ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар борлигини кўришимиз мумкин:

1) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги 27-сонли “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Буйруғининг 8-қисм биринчи бандида “Давлат таълим муассасаларида вояга етмаганларни ҳақ-хукуқларини чеклайдиган қоидаларни жорий қилиш, асоссиз равишда ўқувчилар сафидан чиқариш, стипендия ва нафақа олиш ҳукуқининг бузилиши, таъсир чораларини қўллашда ўзбошимчалик ҳолатлари юзасидан айбдор шахсларнинг жавобгарлиги қаттий таъминлаб борилиши лозимлиги” кўрсатилган¹³.

Бугунги кунда нодавлат таълим муассасалари, уларда таълим олувчилар сони ошиб бормоқда. Шу боисдан, ушбу таълим муассасаларидаги вояга етмаганларнинг қонуний ҳукуқ ва манфаатларини, шу жумладан, ижтимоий ҳимояга оид бўлган ҳукуқларини амалга оширишда қонунийликни таъминлаш учун прокуратура органларининг фаолияти жуда муҳимдир. Шу боисдан “Давлат таълим муассасаларида вояга етмаганларни ҳақ-хукуқларини чеклайдиган

¹² Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги 27-сонли “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Буйруғи.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги 27-сонли “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Буйруғи.

қоидаларни жорий қилиш, асоссиз равища ўқувчилар сафидан чиқариш, стипендия ва нафақа олиш ҳуқуқининг бузилиши, таъсир чораларини қўллашда ўзбошимчалик ҳолатлари юзасидан айбдор шахсларнинг жавобгарлиги қатый таъминлаб борилиши лозимлиги” кўрсатилган ушбу қоиданинг ўрнига “мулкчилик шаклидан қатий назар, барча таълим муассасаларида вояга етмаганларнинг ҳақ-хуқуқларини чеклайдиган қоидаларни жорий қилиш, асоссиз равища ўқувчилар сафидан чиқариш, стипендия ва нафақа олиш ҳуқуқининг бузилиши, таъсир чораларини қўллашда қонунийлик ҳолати бўйича ҳар чоракда текширишлар ўтказиш лозим”лиги кўрсатилган қоида киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди;

2) Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2006 йил 12 декабрда қабул қилган “Ижтимоий ҳимоя йили” давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармойишида вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида нафақат моддий ёрдам бериш билан боғлиқ бўлган тадбирлар, балки уларни жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол қилишга қаратилган турли тадбирларни олиб бориш лозимлигини кўрсатиб ўтган эдилар. Ёшлар ўртасида хуқукий тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориша прокуратура органлари катта ишларни амалга оширмоқда.

Жумладан, биргина 2001 йилнинг ўзида, хуқукий тарғибот-ташвиқот мақсадида турли муассасаларда фуқаролар билан 33.000дан ортиқ учрашувлар ўтказилган¹⁴.

Бизнинг фикримизча, бу борадаги ишлар билан, қаноатланмай, ҳар ойнинг маълум бир кунида оммавий ахборт воситалари орқали вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича савол-жавоб дастурлари уюштирилиши лозим.

Зероки, Президентимиз И.А.Каримов айтганлариdek, “Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи биз учун, умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифадир”¹⁵.

¹⁴ Кодиров.Р.Х.Қонунийлик ва адолат йўлида.”Қонун ҳимоясида”, 2001,№2 Б 5

¹⁵ Каримов.И.А. “Камолот” ёшларимизнинг чинакам таянчи ва суюнчи бўлсин. Халқ сўзи.2001 йил 25январь

Ш-БОБ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИЛГАНИДА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ.

§1. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича жиноят иши қўзғатиш ва тергов қилиш.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича жиноят иши қўзғатиш ва тергов қилишнинг устидан ҳам назорат олиб бориш қонун бўйича прокурорга юклатилган.

Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи давлат органларида ва улар томонидан жиноят ишларини юритилиши жараёнида вояга етмаганлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назоратининг муҳим соҳасидир. Чунки вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларга қарши курашни тўғри ташкил этиш, вояга етмаганларни жиноят ишларини юритилишидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига риоя этилиши кўп жиҳатдан вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олинишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан фуқаролар 18 ёшга тўлганда вояга етган ҳисобланади. Уларнинг ҳам жиноий жавобгарликка тортиш масаласи умумий тартибда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 17-моддаси билан тартибга солинган бўлиб, унга кўра, жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар. Жиноят содир этгунга қадар ўн уч ёшга тўлган шахслар жавобгарликка оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдирганликлари (97-модданинг 2-қисми) учунгина жавобгарликка тортиладилар. Жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми, 98, 104-106, 118, 119, 137, 164-166, 169-моддалари, 173-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари, 220, 222, 247, 252, 263, 267, 271-моддалари, 277-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122, 123, 127, 144, 146, 193-195, 205-210, 225, 226, 230-232, 234, 235, 279-302-моддаларида назарда тутилган жиноят учун

жиноят содир этгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортиладилар.

Жиноят содир этгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг, яъни вояга етмаган шахсларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг ўн учинчи бўлими 60-бобида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодексининг 345-моддаси талабларига биноан, вояга етмаганлар содир этган барча жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ички ишлар органларининг терговчилари томонидан олиб борилади.

Жиноят ишларини юритишида вояга етмаганларнинг алоҳида хуқуқий мақомига эътибор берилиши лозим. Чунки Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XV ва XVI боблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 60-бобида вояга етмаганларга нисбатан алоҳида қоидалар белгиланган. Уларга нисбатан ушбу қонунларнинг умумий қоидалари билан бирга юқоридаги бобларда кўрсатилган алоҳида қоидалар ҳам қўлланилади. Бундай алоҳида қоидаларга ўн саккиз ёшга тўлмаганларга нисбатан факат жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш жазоларигина қўлланилиши, уларга нисбатан қўшимча жазо қўлланилмаслиги, жиноят процессида уларга адвокат таъминланиши шартлиги, шунингдек, қонундаги бошқа ҳолатлар.

Прокурор вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан назоратни олиб бориши жиноят ишларини юритувчи, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи органлар фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Тошкент вилоятида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг ҳолати ҳақидаги 2005–2006 йилнинг ҳар 6 ойи мобайнидаги маълумотга назар ташланса, жами бўлиб, Тошкент вилоятида 2005 йилда вояга етмаганлар томонидан содир этилган умумий жиноятлар сони 73 та, 2006 йил ҳам 73 тани ташкил этган. Шулардан ҳар иккала йилда ҳам биттадан қотиллик-Ўзбекистон Республикаси Жкнинг 97 моддасида назарда тутилган жиноят, оғир тан жароҳати етказиш 2005 йилда 1 та, 2006 йилда 3 тани, номусга тегиш 2005 йилда 3

та, 2006 йилда 0 тани, ўғирлик 2005 йилда 38 та, 2006 йилда 28 тани, талончилик 2005 йилда 5 тани 2006 йилда эса 6 тани, босқинчилик 2005 йилда 0 та, 2006 йилда 3 тани, безорилик 2005 йилда 8 та 2006 йилда 9 та, бошқа жиноятлар 2005 йилда 15 тани, 2006 йилда 21 тани ташкил этган.

Жиноят содир этган вояга етмаган шахсларнинг 2006 йилда 5 таси 2006 йилда 1 таси муқаддам судланган шахслар, 2005 йилда 25 та, 2006 йилда 23 таси умумтаълим мактаб ўқувчилари, 2005 йилда 16та, 2006 йилда 19 таси касб-хунар мактаб ўқувчилари, 2005 йилда 38 таси, 2006 йилда 41 таси ўқимай-ишламай юрганлар томонидан содир этилган¹⁶.

Прокурор жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи органлар томонидан вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан назоратни олиб бориб, ўз ваколатлари доирасида:

- 1) суриштирув ва дастлабки тергов органларидан текшириш учун жиноят ишларини, суриштирув, тезкор қидирув фаолиятининг хужжатлари ва материалларини ҳамда бошқа маълумотларни талаб қилиб олади;
- 2) Содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар хақидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини ҳар ой камида бир марта текширади;
- 3) Вояга етмаган шахсларга нисбатан жиноятларни тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, жиноят тавсифини белгилаш, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш, айрим тергов ҳаракатларини бажариш ва жиноят содир этган шахсларни қидириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беради;
- 4) Вояга етмаган ушланганларни вақтинча сақлаш хоналарида, тергов хибсхоналарида ва қабул қилиш – тақсимлаш хоналарида ҳар ойда камида бир марта вояга етмаганларни ушлаш, қамоқقا олиш ва сақлашнинг қонунийлигини текширади.

¹⁶ Тошкент вилояти прокуратураси материалларидан. 2006 йил.

5) Терговчининг ва суриштирувчининг вояга етмаганларга тегишли бўлган жиноят ишлари бўйича ноқонуний ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилади.

6) Вояга етмаганлар томонидан оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилиши сабаблари ҳар олти ойда чуқур ўрганилиб, бундай ҳолатларни бартараф этишнинг зарур чора-тадбирларини кўради.

7) Вояга етмаганларга оид жиноят ишлари юзасидан олиб борилаётган суриштирувда, дастлабки терговда иштирок этади ҳамда зарур ҳолларда ҳар қандай иш бўйича айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажаради ёки тўла ҳажмда амалга оширади, шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа ваколатлардан фойдаланади.

8) Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан суриштирув ва тергов ҳаракатларининг қонунларда белгиланган талабларга тўлиқ амал қилган ҳолда олиб борилиши, бунда уларнинг шахси чуқур ўрганилиб, кафолатланган ҳуқуқларининг таъминлаш чораси кўради;

9) Суриштирув органларига шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш, қамоққа олиш, қидириш, тинтув ўтказиш, олиб қўйиш, бошқа тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги қарорларни ижро этишни топширади;

10) Вояга етмаганларга оид жиноят ишлари юзасидан тинтув ўтказишга, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ва уларни олиб қўйишга, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшишиб туришга, айбланувчини лавозимидан четлаштиришга ва қонунда назарда тутилган ҳолларда суриштирув органи ҳамда терговчининг бошқа ҳаракатларига рухсат беради;

11) Қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда тергов юритиш ҳамда қамоқда сақлаш муддатини узайтиради;

12) Жиноятнинг содир этилишига имконият яратган шарт-шароитларни бартараф қилишга қаратилган қатъий чоралар кўрилиб, ўсмирларни ичкилиқбозликка, гиёхвандликка ва бошқа жиноий фаолиятга жалб қилган катта ёшдаги шахсларнинг жавобгарлик масаласи ўз вақтида ҳал этади.

13) Вояга етмаганларни асоссиз қамоққа олиш ва жиноий жавобгарликка тортишга йўл қўйилмаслиги чорасини кўради.

14) Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қўлланилаётганида жиноятга қўл урган ўсмирлар прокурорлар томонидан шахсан сўроқ қилинади;

15) Вояга етмаганларга тегишли жиноят ишларини суриштирув ва дастлабки тергов органлариға қўшимча тергов ўтказиш тўғрисидаги ўз кўрсатмалари билан қайтаради;

16) Ҳар қандай жиноят ишига нисбатан таалуқли бўлгани каби вояга етмаганларга доир ишларни ҳам суриштирув органидан олиб терговчига беради, шунингдек уни бир дастлабки тергов органидан бошқасига бериши, бир терговчидан бошқасига ўтказиши мумкин;

17) Вояга етмаганларга тегишли жиноят ишлари бўйича ҳам суриштирувчи ёки терговчини, башарти улар ишнинг тергови чоғида қонун бузилишига йўл қўйган бўлсалар, суриштирув ёхуд дастлабки тергов ишларини давом эттиришдан четлатади;

18) Жиноят ишлари қўзғатади ёки уларни қўзғатишини рад этади, ишларни тугатади ёхуд юритилишини тўхтатади, қонунда назарда тутилган ҳолларда терговчининг ишни тугатишига розилик беради, айблов хулосасини ёки қарорини тасдиқлади, ишларни судга юборади;

19) Вояга етмаганлар томонидан оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилиши сабаблари ҳар олти ойда чуқур ўрганилиб, бундай ҳолатларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради.

20) Уларни жиноий жавобгарликдан озод қилиниши ва озодликдан маҳрум этилганларини жазо ўташ жойларида қайта тарбиялаш ишларини доимий назоратга олади.

Вояга етмаганларга нисбатан юритилган жиноят ишларини тугатиш, тўхтатиш ёки жиноят иши қўзғатишини рад этиш ҳақидаги материалларнинг барчаси истисносиз, қонунда белгиланган муддатларда ўрганиб чиқишнинг қатъий тартиби ўрнатилади.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича дастлабки тергов ва суд муҳокамаси даврида исботланиши лозим бўлган ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-84-моддаларида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари қуидагилардир:

1. Вояга етмаган айбланувчининг аниқ ёши (туғилган йили, ойи, куни);
2. Вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлик ҳолати;
3. Унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари;
4. Катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги.

Вояга етмаганнинг жиноятлари ҳақидаги ишни юритишда қонуний вакилнинг қатнашиши шарт. Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига суриштирувчи ёки терговчининг қарори бўйича вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида биринчи сўроқ қилиш пайтидан бошлаб йўл қўйилади. Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига йўл қўйилганда унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 61-моддасида назарда тутилган хуқуqlари тушунтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 51-моддаси талабларига кўра, вояга етмаганларнинг иши бўйича ҳимоячининг иштирок этиши шарт ҳисобланади. Вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ҳимоячидан воз кечган тақдирда ҳам Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 52-моддаси талабларига биноан, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд учун мажбурий эмаслиги қайд этилган. Қонуннинг ушбу талабига кўра, ҳар қандай ҳолда вояга етмаганларнинг жиноят ишлари бўйича ҳимоячининг иштироки тўлиқ таъминланади. Вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчини биринчи сўроқ қилишдан бошлаб, суриштирувчи ёки терговчи ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлаш чораларини кўради. Шу мақсадда вояга етмаган шахсга ва унинг қонуний вакилига ўзлари хоҳлаган ҳимоячини таклиф этиш хуқуқига эга эканлиги тушунтирилади. Агар ҳимоячи вояга етмаган шахснинг, унинг қонуний вакилининг ёҳуд бошқа шахсларнинг топшириғи ёки розилиги билан чақирилмаган бўлса, суриштирувчи, терговчи ёки суд ишда ҳимоячининг иштирок этишини ўз ташаббуси билан таъминлашга мажбур.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июн кунги 27-сонли «Вояга етмаганлар ҳакида қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғининг 13-бандида «Жиноят судлов соҳасида вояга етмаганларнинг жиноят-процессуал қонунчилиги билан мустаҳкамланган ҳуқуқий кафолатларига қатъий риоя қилиниши

таъминланиши, уларга нисбатан жиноят иши қўзғатиш, ушлаш ҳамда ҳисбга олиш масалаларига алоҳида масъулият билан ендашилсин, асоссиз қамоққа олиш ва жиноий жавобгарликка тортиш ҳолларига йўл қўйилмаслиги» қайд этилган.

Вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоячи иштирокида сўроқ қилинади. Сўроқ қилиш чоғида терговчининг рухсати билан вояга етмаганнинг қонуний вакили иштирок этиши мумкин. Ҳимоячи ва қонуний вакил гумон қилинувчига ва айбланувчига саволлар беришга ҳақли. Сўроқ охирида ҳимоячи ва қонуний вакил баённома билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдиришга ҳақлидир. Вояга етмаган гумон қилинувчини, айбланувчини сўроқ қилишга кетган умумий вақт, кун давомида дам олиш ва овқатланиш учун бир соатлик танаффусни ҳисбга олмагандан, олти соатдан ошмаслиги керак.

Вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда терговчи ёки прокурорнинг ихтиёрига кўра педагог ёки психолог иштирок этиши мумкин. У терговчининг рухсати билан айбланувчига саволлар беришга, сўроқ тугаганидан сўнг эса сўроқ баённомаси билан танишиб, баённомадаги ёзувларнинг тўғрилиги ва мукаммаллиги ҳақида ўз фикрларини ёзма равишда беришга ҳақлидир¹⁷. Бу хуқуқлар терговчи томонидан педагог ёки психологга вояга етмаган шахсни сўроқ қилишдан олдин тушунирилади ва бу ҳақда сўроқ баённомасида қайд қилинади.

Вояга етмаган айбланувчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 237-моддасида назарда тутилган эҳтиёт чораларини бирини қўлланиши мумкин. Вояга етмаган шахс ота-онасининг, хомийлар, васийларнинг қаровига ёки башарти у болалар муассасасида тарбияланаётган бўлса, шу муассаса раҳбарларининг қаровига ҳам берилиши мумкин.

Эҳтиёт чораларини қўллаш учун асослар бўлган тақдирда, вояга етмаган айбланувчини, судланувчини турмуш ва тарбияланиш шароитига кўра илгариги яшаш жойида қолдириб бўлмаса, у терговчининг прокурор санкция берган қарорига ёки суднинг ажримига биноан болалар муассасасига жойлаштирилиши мумкин.

¹⁷ Эсанов М./., Полвонов С.Ё. Тергов ва суриштирув устидан назоратни ташкил этиш. Т., 1998. 14-бет.

Вояга етмаган шахсга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 558-моддаси талабларига асосан амалга оширилади. Вояга етмаган шахсларга нисбатан қамоққа олиш унга беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тайинланиши мумкин бўлган қасддан жиноят содир этганликда айб эълон қилинган ҳамда айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини бошқа чоралари таъминлай олмайдиган тақдирда қўлланиши мумкин.

Прокурор вояга етмаганни қамоққа олиш учун рухсат берадиганида иш материаллари билан шахсан танишиб чиқиши, қамоққа олиш асосларини текшириши, ҳодисанинг фавқулоддалигига ишонч ҳосил қилиши ва айбланувчини ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича сўроқ қилиши керак.

Вояга етмаган айбланувчиларга нисбатан, ЖПКнинг 237-моддасида кўрсатилган эҳтиёт чораларидан ташқари маҳсус эҳтиёт чораси- ота-оналари, васийлари, ҳомийлари, болалар муассасаларида тарбияланаётган вояга етмаганларга нисбатан эса ушбу муассаса маъмурияти кузатув остига олиши учун топшириш (ЖПКнинг 253-моддаси) қўлланилиши мумкин.

Моҳиятан айтиб ўтиш мумкинки, икки мустақил эҳтиёт чораси кўзда тутилган: 1) вояга етмаган айбланувчини ота-онаси, васийлари, ҳомийларига кузатув остига олиш учун топшириш ва 2) вояга етмаган айбланувчини болалар муассасасининг маъмуриятига кузатув остига олиш учун топшириш. Бир вақтнинг ўзида уларнинг иккиси ҳам қўлланилмайди.

Вояга етмаганларни кузатув остига олиши учун топширишда ота-оналари, васийлари, ҳомийлари ёки болалар муассасаси маъмуриятидан вояга етмаган айбланувчини терговчи, прокурор хузурига ва судга ўз вақтида келишини ва уни муносиб хулқ атворда бўлишини таъминлаш ҳақида ёзма равишда мажбурият олинади.

Бундай мажбуриятни ўз зиммасига олаётган шахслар вояга етмаган айбланувчига эълон қилинган айловнинг моҳияти ҳамда айбланувчини тергов органлари ёки судга ўз вақтида келмаслиги ҳолатида жавобгарлиги ҳақида огоҳлантирилдилар (ЖПК 556-моддаси 1-қисми).

Вояга етмаганни муносиб хулқ-атворини ва уни чақирувларга биноан келишини таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган болалар муассасалари маъмуриятларининг жавобгарлиги тўғрисидаги муаммога эътиборни қаратишни муҳим деб ҳисоблаймиз. қонуннинг (ЖПК 556-моддаси) мақсадига кўра, болалар муассасасида тарбияланаётган айбланувчини кузатув остига олиш ҳақидаги ёзма мажбурият ушбу муассаса раҳбари ёки у томонидан ваколат берилган маъмуриятнинг бошқа вакилларидан олинади. Болалар муассасаларининг ўз зиммасига олган мажбуриятни бузганлиги учун жавобгарлик ЖПКнинг 556-моддасида белгиланмаган. Бу баъзи муаллифларни кузатувга олиш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган болалар муассасаларининг маъмуриятлари жавобгар бўлмайди деган хулоса чиқаришига олиб келади.

Бундай нуқтаи назар хатодир¹⁸ деб кўрсатиб ўтади Г.З.Тўлаганова. Маъмуриятнинг кузатувга олиш бўйича мажбуриятни бажармаган шахсларига нисбатан тергов органи тақдимномасига ёхуд суднинг хусусий ажримига мувофиқ интизомий ёки жамоат таъсир чоралари қўлланилиши мумкин. Ёпиқ болалар муассасасида тарбияланаётган вояга етмаган томонидан жиноят содир этилиши, узлуксиз тарбия жараёнида йўл қўйилган хатолар, у билан етарли даражада индивидуал тартибда шуғулланилмаганлигидан далолат беради. Бу кўрсатилган муассаса маъмуриятини вояга етмаганга нисбатан уни муносиб хулқ атворда бўлишини таъминлайдиган янги янада самаралироқ таъсир этиш воситаларини қидиришга ундаши лозим. Бундай таъсир чораларини, маъмурият кузатуви остига олиши учун берилган вояга етмаган айбланувчига нисбатан қўллаш айниқса кераклидир. Агар маъмурият томонидан айбланувчини хулқини назорат қилиш бўйича хизмат бурчини тегишли бажармаслик оқибатида айбланувчи процессуал хуқуқбузарлик содир этса, у ҳолда болалар муассасасининг тегишли мансабдор шахсларига нисбатан интизомий ёки жамоат таъсир чоралари қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июн кунги 27-сонли «Вояга етмаганлар ҳақида қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати

¹⁸ Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида эштиет чораларининг =ылланиши муаммолари. Т.: Адолат, 2005. –68 бет.

фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги буйругининг 13.1-бандида «Прокурорлар вояга етмаганларни қамоққа олиш учун рухсат бераетгандарида иш материаллари билан шахсан танишиб чиқиш, қамоққа олиш асосларини текшириши, ҳодисанинг фавқулотдалигига ишонч ҳосил қилиши ва айбланувчини ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлик ҳолатлар бўйича сўроқ қилиши ҳақидаги қонун талабларини оғишмай бажарилиши» лозимлиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, ушбу буйруқнинг 13.2 бандида жиноят ишининг тергови жараенида вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар, унинг саломатлиги ҳолати, турмуш ва тарбияланиш шароитлари катта ешли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор йуқлиги ўрганилиши, жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чоралари қўрилиши, дастлабки терговнинг огоҳлантирув ва тарбиявий имкониятларини рўёбга чикарилиши таъминланиши лозимлиги кўрсатилган. Шунингдек вояга етмаганларни жиноятга, ичкибозликка, гиёхвандликка, тиланчиликка, фоҳишабозликка ва бошқа ғайриижтимоий фаолиятга жалб қилган катта ешдаги шахсларнинг жавобгарлик масаласи қатъий ҳал этилиши назарда тутилган. Зеро дастлабки терговнинг мақсади жиноятни очиш, жиноятчини фош қилиш, жиноят учун жавобгарликни ҳамда жазонинг муқаррарлигини таъминлашгина бўлиб қолмай, содир этилган жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини, шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ва келгусида шу каби жиноятлар содир этилмаслиги учун ўз ваколатларида доирасида тегишли чора ва тадбирлар белгилаш ҳам ҳисобланади.

Бундан ташқари, ушбу буйруқнинг 13.3. бандида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят ишларини сифатсиз тергов қилиш, сансоларликка солиш ҳолатларига ўз вақтида барҳам берилиши кераклиги таъкидланган.

Ушланганларни вақтинча сақлаш, вояга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ердам кўрсатиш марказларида ҳамда тергов ҳибсхоналарида ҳар ойда камида бир марта вояга етмаганларни ушлаш, қамоққа олиш ва сақланиш қонунийлиги текширилиб турилиши лозимлиги тўғрисидаги талаб эса, буйруқнинг 13.4.-бандида таъкидланган. Шунингдек вояга етмаганларга нисбатан юритилган жиноят ишларини ҳаракатдан тўхтатиш, тугатиш еки жиноят иши қўзғатишни рад этиш

ҳақидаги қарорларнинг қонунда белгиланган муддатта ўрганиб чиқишининг қатъий тартиби белгилансин деб кўрсатилган¹⁹.

Вояга етмаганлар томонидан оғир ва ўта оғир жиноят содир этиш сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитлар ҳар олти ойда ўрганилиб, умумлаштирилиши улар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилсин деб буйруқнинг 13.6. бандида таъкидланган.

Вояга етмаган шахсга дастлабки терговнинг тамом бўлганлигини эълон қилиш ва уни иш материаллари билан таништириш вақтида айбланувчининг қонуний вакили иштирок этишга ҳақли.

Таъкидлаш лозимки, вояга етмаганлар ишлари бўйича дастлабки тергов ҳар доим ҳам айблов хулосаси чиқариш билан якунланмайди. Терговчи прокурорнинг розилиги билан жиноят ишини тугатиш ва материалларни кўриб чиқиш учун вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияга юбориши, иш ҳолатлари ва ҳуқуқбузарнинг шахсини тавсифловчи маълумотлар бўйича унга жиноий жазо қўлланмаслиги мумкин²⁰.

§2. Вояга етмаганларга тегишли жиноят ишларини судларда кўрилиши бўйича прокурор ваколатини таъминлаш.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишни ёпик суд мажлисида кўриш барча процессуал қоидаларга биноан ўtkазилади.

Вояга етмаганларга тегишли жиноят ишларини судларда кўрилишида айблов ва ҳимоя тарафлари, педагог, заруриятига қараб психолог, қонуний вакил албатта қатнашади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июн кунги 27-сонли «Вояга етмаганлар ҳақида қонулар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги буйругининг 15-бандида «Вояга етмаганларнинг жиноят ишлари судда кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш тажбирали ходимларга топширилсин ҳамда давлат

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июн кунги 27-сонли “Вояга етмаганлар ща=идаги =онунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятин янада такомиллаштириш ты\рисида”ги Буйру\ининг 13.5. банди.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Машкамаси 2000 йил 21 сентярдаги «Вояга етмаганларнинг ишлари билан шу\улланувчи комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ты\рисидаги Низом».

айбловни қувватлашнинг тарбиявия аҳамияти кучайтирилиши, суд мажлисида вояга етмаганлар ишлари буйича комиссиялар, ички ишлар органларининг вояга етмаганлар орасида хуқукбузарликларни олдини олиш хизмати, ўқув муассасалари ва жамоат ташкилотлари фаолияти буйича аниқланган хато ва камчиликларга тегишли муносабатлар билдирилиши, зарур ҳолларда суд муҳокамасига ўспиринлар томонидан жиноят содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ва айбор шахслар аниқ кўрсатилган ҳолда хусусий ажрим чиқариш масаласи кўйилиши лозим»лиги таъкидланган. Шунингдек, “Болаларни ёпик турдаги маҳсус мактаб интернатларига юбориш масаласининг муҳокамасида прокурорларнинг иштироки мажбурийлиги белгилаб кўйилган”. Ушбу бўйруқнинг 15.1. бандида вояга етмаганларнинг жиноят ишлари буйича суд қарорларининг қонунийлиги уларнинг жавобгарлик хусусиятларига риоя қилинганлиги, жиноятга қўл урган ешларнинг тўғри йўлга кириши ва қайта тарбияланишига имкон берадиган жазо чоралари тайинланганлигига алоҳида эътибор берган ҳолда апелляция муддатида ўрганиб борилиши таъминлансан, қонунга зид қарорлар устидан протест келтириш чоралари кўрилиши лозимлиги таъкидланган

Вояга етмаган судланувчининг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, прокурорнинг фикрини эшишиб, вояга етмаган шахсга салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатлар текширилаётганда суд ўз ажрими билан уни суд залидан чиқариб туришга ҳақли. Вояга етмаган шахс суд залига қайтарилганидан сўнг раислик қилувчи унга йўқлигига бўлиб ўтган муҳокама мазмунини етарли ҳажмда ва шаклда маълум қиласи ва унинг йўқлигига сўроқ қилинган шахсларга савол бериши учун вояга етмаганга имконият яратиб беради.

Суд зарурат бўлганда, вояга етмаган шахснинг жинояти тўғрисидаги ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияга хабар беради²¹. Суд, шунингдек, бу комиссия вакилларини гувоҳ сифатида сўроқ қилиш учун суд мажлисига чақиришга ҳақлидир²².

Вояга етмаган шахсни Жиноят кодекси 87-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ жавобгарликдан озод қилиб, материалларни вояга етмаганлар иши билан

²¹ Ирсалиев А. Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини судда юритиш. - Т., 2003. -19 б.

²² Уголовный процесс: Учебник / Под.общ.ред. В.И.Радченко.- М.: Юстицинформ, 2003. – С. 605.

шуғулланувчи комиссияда кўришга топширишда терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Вояга етмаган шахсга нисбатан ишни кўришда Жиноят кодекси 87-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда суд вояга етмаган шахсни жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чорасини қўлланиш тўғрисидаги масалани муҳокама этиши шарт. Суд мажбурлов чорасини қўлланиш ёки қўлланмаслик тўғрисида асослантирилган ажрим чиқаради.

Мажбурлов чорасини қўлланиш ёки қўлланмаслик тўғрисидаги ажрим устидан умумий тартибда шикоят берилиши ва протест билдирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 81-моддасига биноан, жиноят содир этган вояга етмаганларга нисбатан, яъни ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга қуидаги асосий жазолар қўлланиши мумкин:

- а) жарима;
- б) ахлоқ тузатиш ишлари;
- в) қамоқ;
- г) озодликдан маҳрум қилиш.

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўшимча жазолар тайинланиши мумкин эмас.

Суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қиласи, вояга етмаганнинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбиясини, соғлигини, содир этган жиноятининг сабабларини, катта ёшдагиларнинг ва бошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олади²³. Прокурор юқорида қайд этилган қонун талабларини суд томонидан албатта бажарилишини кузатиб боради. Суд муҳокамасининг бирон-бир иштирокчилари томонидан қонунга хилоф равишда хатти-ҳаракат содир қилинганида, ушбу ҳолатга нисбатан суднинг эътиборини қаратади ва ўз фаолияти билан одил судловни амалга оширишга кўмаклашади.

Прокурор вояга етмаганларга тегишли жиноят ишларини судда кўрилишида яна шунга эътиборни бериши керакки, ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида жазо

²³ Ирсалиев А. Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини судда юритиши. - Т., 2003. -12 б.

тайинланганда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати ўн йилгача, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн икки йилгача тайинланади.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси - ўн икки йилгача муддатга, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн беш йилгача муддатга тайинланали мумкин.

Жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан бир неча ҳукм юзасидан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати ўн беш йилдан ошмаслиги керак.

Вояга етмаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганда суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддасида назарда тутилган асос ва шартлар мавжуд бўлса, шартли жазо белгилаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги 16-сонли «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 1.2 банди талабига кўра, судлар унча оғир бўлмаган ва жиддий заарли оқибатларни юзага келтирмаган жиноятларни содир этишда айбор бўлган ҳамда жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин бўлган вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни тайинлаш учун қонунда белгиланган барча имкониятлардан фойдаланмоқликлари лозим. Шу қарорнинг 4.1 банди талабига кўра, ахлоқ тузатиш ишлари 16 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан тайинланмайди. 4.3 бандида эса, вояга етмаган шахс тайинланган ахлоқ тузатиш ишларининг ўндан бир қисмидан кўпрогини ўташдан бўйин товласагина, суд бу жазонинг ўталмаган қисмини ахлоқ тузатиш ишларининг ҳар уч кунини қамоқнинг бир кунига тенглаштирилган ҳолда ҳисоблаб қамоқ жазоси билан алмаштириши, аммо бу муддат уч ойдан ошмаслиги кераклиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларида нафақат вояга етмаган жиноят содир этган шахсларнинг хуқуqlари, балки вояга етган жиноят содир этган шахсларнинг вояга етмаган фарзандларининг ҳам хуқуқ ва

манфаатлари ҳимояси ҳам назарда тутилган. Масалан: Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг «Суд ҳукми тўғрисида»ги 1997 йил 2 майдаги 2-сонли қарорини 16-бандида, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумнинг вояга етмаган болалари бўлиб, улар қаровсиз қолаётган бўлса, ҳукмнинг қарор қисмida уларнинг қариндошлари ёки бошқа шахсларнинг ва муассасаларнинг васийлигига топшириш тўғрисида ҳам кўрсатилмоғи лозимлиги қайд этилган²⁴. Судда иштирок этаётган прокурор ушбу талабларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан ўзига берилган қонуний ваколатлардан фойдаланиши лозим.

Прокурор назорати таъсир воситалари орқали вояга етмаганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июн кунги 27-сонли «Вояга етмаганлар ҳақида қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғининг 17-бандида «Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликни, айниқса экстремистик кўринишдаги диний оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, ешларнинг онгини, тафаккурини шакллантириш, дунекарашини кенгайтириш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида сұхбат, савол-жавоб кечалари, тушунтириш ишлари, тарғибот ва ташвиқотнинг бошқа шаклларидан самарали фойдаланилсин, бу борада оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлиари килишга алоҳида эътибор қаратилиши» кўрсатиб ўтилган.

Қонун бузилишининг даражаси (характери)га қараб, прокурор тегишли прокурор назорати ҳужжатини қабул қиласди. Протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув прокурор назорати ҳужжатларидир.

Прокурор назоратининг ушбу йўналиши бўйича қонунийликка риоя этиш устидан прокурорнинг таъсир кўрсатиш ҳужжатлари сифатида қўлланадиган протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирувларнинг қўллаш тартиби ва асослари прокуратура фаолиятининг бошқа йўналишлари бўйича қўлланиладиган прокурор таъсир ҳужжатлари билан тубдан фарқ қилмайди.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми =арорларининг тыплами 1991-2002 й. –Нукус. Билим, 2002. - 111-бет

Шу буйруқнинг 18-бандида «Вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижросини тъминлаш учун шахсан масъул эканликлари тъкидланиб, мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ярим йилда Бош прокуратуранинг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлимига ахборотлар бериб борилиши» талаб этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 8-бандида “агар вояга етмаган шахснинг жиноят содир этишига катта ёшдагиларнинг, шу жумладан, иш юзасидан жабрланувчи деб эътироф этилган шахсларнинг ғайриқонуний ёки ёмон ҳулқ-атвори сабаб бўлган бўлса, суд бу ҳолатни жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб эътироф этиши, шунингдек, зарур ҳолда қайд этилган шахсларнинг иш ёки яшаш жойларига хусусий ажрим чиқариб муҳокама қилишга юбориши лозим” деб қайд қилинган. Ушбу талабларнинг бажарилишини прокурорлар ўз назарларидан четда қолдирмасликлари керак.

“Вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш ва улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг фаолиятини такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2000 йил 21 сентябрда “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” қарор қабул қилди. Унга кўра, жазони ижро этиш жойларидан озод қилинган, ёхуд маҳсус ўқув тарбия муассасаларидан қайтган вояга етмаганларнинг онги ва фикрлаш даражасини ўстириш, дунёқарашини кенгайтириш, шунингдек, маънавий-маърифий ишларни фаоллаштириш, ҳамда вояга етмаганларни ижтимоий реабилитация қилиш бўйича қонунда кўрсатилган бошқа функцияларни амалга ошириш - вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиянинг асосий вазифалари қаторига киради²⁵.

²⁵ Ирсалиев А. Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини судда юритиш. - Т., 2003. 8-9 б.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг юқорида таъкидланган қарори 18 ёшга тўлмасдан жиноят содир этиб жазога маҳкум қилинган ва тарбия меҳнат колониясида жазони ўтаётган 18 ёшга тўлган судланганларни тарбия меҳнат колонияларидан жазони ўташ колонияларига ўтказиш ҳолатларини бартараф қилишни таклиф этади.

§3. Тарбия муассасаларида вояга етмаганларнинг хуқуқларини химоя қилиниши.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июн кунги 27-сонли «Вояга етмаганлар ҳақида қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги буйругининг 7-бандида «Вояга етмаганларни тарбия-меҳнат муассасаларида, маҳсус тарбиявий билим юртларида сақлаш шароитларининг қонунийлиги доимий равишда текширилиши шартлиги, қонун бузилиши ҳолатлари аниқланганда уларни бартараф этиш чоралари кўрилиши керак”лиги таъкидланган.

Шунингдек, 2004 йилнинг 12 апрель кунги 5-сонли буйрук билан тасдиқланган “Суд қарорларини ижро этишда ва қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги Низом бўйича ҳам прокурорларнинг ваколатлари вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишга ҳам тааллуқлидир.

Ушбу Низомнинг 2.11. бандида кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг суд қарорларини ижро этишда ва қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат бошқармаси фуқароларни, ҳамда жазони ижро этиш жойларида маҳбус ва маҳкумларни жойида қабул қиласди, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради;

2.12. бандида қайд этилишича эса, суд қарорларини ижро этишда ҳамда қамоққа олинганларни сақлашда ва жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя

қилиниши билан боғлиқ муаммоларни ўрганади, уларнинг ечимини излаш борасида бошқа юридик муассасалар билан ҳамкорликда иш олиб боради;

2.13. бандида, бошқарма тергов хибсоналари, жазони ижро этиш жойларида сақланаётган маҳбус ва маҳкумлар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ва суриштирувни назорат қилади ва улар бўйича қабул қилинган ноқонуний қарорларни бекор қилиб, тегишли прокурор назорати хужжатларини қўллади;

2.14. бандида таъкидланишича, соҳага тегишли прокурорлик текширишларини, суд ижро чиларининг ижро ҳаракатлари ҳамда амнистия ҳақидаги Фармонларни қўллаш юзасидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини ўрганади. Ушбу ишлар юзасидан қўрсатма ва танбеҳлар тайёрлаб, жойларга юборилишини таъминлайди.

Бошқарманинг асосий вазифаси ва фаолият йўналишлари ҳам ушбу Низом билан аниқ белгилаб берилган. Низомнинг 2.2. бандида, Ўзбекистон Репспубликаси ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш Бош бошқармаси тизимлари фаолиятининг барча йўналишларида(вояга етмаганлар учун мўлжалланган тарбия колониялари ҳам киради):

-Хукуқбузарликни олдини олиш Бош бошқармасининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш фаолиятида;

-Тиббиёт бошқармасининг тергов хибсоналари ва жазони ижро этиш жойларида сақланаётган маҳкумларга тиббий хизмат қўрсатишга оид қонунлар ижросини таъминлаш, уларни аҳлоқан тузатиш, жиноятлар содир этилишини олдини олиш, маҳбус ва маҳкумларга нисбатан тазиик ўтказилиши, қийнаш ва ғайриқонуний мунособатда бўлиш ҳолатларига йўл қўймаслик, уларнинг ҳукуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Низомнинг 2.5. бандида, Бошқарма, жиноят, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар бўйича қабул қилинган суд хужжатларини ва бошқа органлар хужжатларини ижро этилиши, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган жазони ўташ жойларидағи маҳкумларни, тергов хибс хоналарида ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларни ижро этувчи муассасаларда сақланаётган

шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг амнистия Фармонларини ижро этилиши устидан назоратни ташкиллаштиради, фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқади, бу соҳада таҳлилий-услубий ишларни амалга оширади дейилган. Ҳар йилги амнистия Фармонларида албатта вояга етмаган шахсларга нисбатан алоҳида эътибор бериладиганлиги, ҳар йили чиқадиган амнистия Фармони ижросини қонуннийлигини таъминлашда прокуратура ниҳоятда катта ҳажмдаги вазифани амалга оширади. Чунки, ҳар бир қўлланадиган амнистия Фармонини жазони ижро этувчи муассасалар томонидан албатта, прокурорнинг иштирокида амалга оширилиши назарда тутилган. Шунинг бу тоифада ҳар бир иш прокурорнинг ҳуқуқий экспертизасидан ўтказилади дейилса хато қилмаймиз.

Низомнинг 2.6. бандида, қонун билан белгиланган ваколатлар доираси инсон ҳуқуқларига оид, маҳбус ва маҳкумларга нисбатан адолатли мунособатда бўлиш борасидаги қонунлар ва халқаро шаротномалар аниқ ва бир ҳилда қўлланишига эришишни таъминлайди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорлик қилиш чораларини кўради дейилган. Ушбу талабларнинг бажарилишида прокурорларнинг вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш юзасидан фаолияти халқаро талабларга тўла жавоб беради десак бўлади.

Низомнинг 4.4. бандида бошқарманинг суд хужжатларини ва бошка органлар хужжатларини ижро этишда ва қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилишини текширишда аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш чоралари тўғрисида таклифлар бериб, бу жараёнда бевосита қатнашишлиги таъкидланган. Шунингдек, 4.7. бандида бошқарманинг жиноят иши ва материаллар юзасидан қабул қилинган қарорларнинг қонуннийлиги ва асослигини ўрганади, фуқароларни ҳамда маҳбус ва маҳкумларни жойида шахсан қабул қиласди, ариза ва шикоятларни текширади, ҳуқуқ - тарғибот ишларини ташкил қиласди ва уларда иштирок этади. Ушбу Низом талабига кўра вояга етмаган маҳбус ва маҳкумларни жойида бошқарма прокурорлари томонидан қабул қилиниши, ариза ва шикоятларни жойида текширишни амалга оширилиши, улар сақланадиган жойларда маъмурият вакили иштирокида ва иштирокисиз ўз

ваколатларидан фойдаланган ҳолда текширишлар ўтказиши, уларга нисбатан қўлланилган интизомий чораларни қонунийлигини ўз вақтида кўриб чиқилиши натижасида уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларида ҳамда халқаро шартномаларда кўрсатилган хуқуқ ва эркинликларини таъминланади.

Одатда вояга етмаганларни саклаш учун мўлжалланган тарбия колонияларида 18 ёшга қадарли шахслар сақланадилар, лекин маъмурият вояга етмаган жиноят содир этиб, жазосини ўтаётган шахс тарбияси яхшилананаётганилигини билдиrsa, уларни 21 ёшга қадарли ҳам шу тарбия колониясида олиб қолиниши мумкин. Қонуннинг ушбу талабларини бажарилиши қонунийлиги устидан ҳам, ЖКнинг 73 моддаси, 74 моддаларига биноан шартли равишда жазони енгилроғи билан алмаштириш ёки муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилиш масалаларида ҳам тарбияси яхшиланган вояга етмаганларга тегишли ишларни зудлик билан судда кўриб чиқилиб, тадбиқ этилишини прокурор ўз назорати билан таъминлаб туради.